ОПИ
15 ФЕВ. 1990

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 39 (20. 606) • 1990 йил 15 февраль, пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ ОЧИЛДИ

МОСКВА. (ТАСС). 14 февраль куни Кремлда СССР Олий Советининг учинчи сессияси Иттифоқ Совети билан Миллатлар Советининг қўшма мажлисида очилди. Сессияни СССР Олий Советининг Раиси М. С. Горбачев кириш нутқи сўзлаб очди.

Сессиянинг кун тартиби жуда хилма-хил ва ранг-баранг. 50 та масалани муҳокама қилиш мўлжалланмоқда, улардан 20 таси биринчи галда кўриб чиқилиши зарур. СССР Олий Совети Президиумининг яқин вақт ичида СССР халқ депутатлари навбатдан ташқари съездини чақириш тўғрисидаги таклифи кун тартибига киритилган. Сиёсий система, мулкчилик, Совет давлатини мустаҳкамлаш масалалари юзасидан СССР Конституциясига бир қанча ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, мамлакатимизда демократик президентлик ҳокимиятини таъсис этиш масаласини кўриб чиқиш зарурати шу съездни ўтказишни тақозо этмоқда.

Сессияда энг муҳим иқтисодий қонунлар, жумладан мулкчилик тўғрисидаги, ер ҳақидаги, социалистик корхона, солиқ системаси тўғрисидаги, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжаликнинг умумий негизлари ҳақидаги қонунларнинг лойиҳаларига, ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган мана шу қонун лойиҳаларига катта эътибор берилади.

Миллий сиёсат соҳасидаги қонунларни янгилаш алоҳида долзарб масала эканини эътиборга олиб, Олий Совет комитетларида ва палаталарнинг доимий комиссияларида СССР Иттифоқи билан иттифоқдош республикаларнинг ваколатларини аниқ белгилаб қўйиш

(Давоми иккинчи бетда).

КПСС Марказий Комитети ҳаракат дастури лойиҳасининг сатрлари замирида

ПАРТИЯНИ ЯНГИЛАШ—ҚАЙТА ҚУРИШ МУВАФФАҚИЯТИНИНГ КАЛИТИ

Партиямиз тақдири учун, мамлакат тақдири учун масъулият жуда юксак. Бошимиздан кечираётган оғир вазиятдан чиқишнинг энг мақбул йўлини топиш, пухта ўйлаш, уни партияга, жамиятга тавсия этиш, КПСС ташаббуси билан бошланган қайта қуриш ишини олға силжитиш муддаоси... Мамлакатимизда ва чет элларда ғоят катта қизиқиш уйғотган КПСС Марказий Комитети февраль Пленумида бўлиб ўтган жуда катта, ўткир танқидий гапларнинг моҳиятини ана шундай тарифлаш мумкин. Пленумдаги гаплар мулоҳазаларнинг рўй-ростлиги ва дадиллиги, партиядаги аҳволни таҳлил этишга талабчанлик билан ёндашиш, ҳар бир коммунистга у қандай лавозимда бўлмасин, талабчанлиги билан ажралиб турди.

Инсонпарвар, демократик социализм сари — қизғин ижодий, амалий баҳсларга сабаб бўлган КПСС Марказий Комитети ҳаракат дастури лойиҳасининг шиори, аниқроқ қилиб айтганда, бош мазмуни ана шундайдир. Бу баҳсларда КПССнинг сайлаб қўйиладиган раҳбар органлари аъзолари билан бир қаторда кўпгина партия ташкилотларининг вакиллари, иқтисодиётнинг аграр секторидаги корхоналар, қурилишлар, меҳнат коллективларида ишлаётган коммунистлар, фан ва маданият арбоблари иштирок этдилар. Чунки ҳаётий муҳим, одамлар тақдирига дахлдор масалалар барча коммунистларни ҳаяжонга ва ташвишга солмоқда: бундан буён қаерга борамиз? Қандай йўл билан борамиз? Ҳаракатимизга нималар тўсқинлик қилмоқда, партиянинг обрўсига, унинг совет жамиятини сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий янгилаш жараёнларига ўтказаётган таъсирига нима салбий таъсир этмоқда!

«Правда» редакциясига келган дастлабки фикр ва мулоҳазалар, улар қанчалик хилма-хил бўлмасин, шуни кўрсатмоқдаки, КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми мамлакат ҳаётида муҳим воқеа бўлиб қолди. У қайта қуришнинг, КПССни янгилашнинг, уни демократиялашнинг, ошкораликни кенгайтиришнинг ҳал қилувчи йўналишларида, сиёсий раҳбарликнинг замонавий усулларини эгаллаб олишда партиянинг қатъиятидан далолат беради.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига Пленум маъқуллаган ва кеча эълон қилинган ҳаракат дастури лойиҳасида ҳозирги замон партия сиёсатининг бош йўналишлари, унинг энг муҳим принциплари лўнда ва шу билан бир вақтда чуқур, ҳар томонлама баён қилиб берилган. Улар умумпартия, умумхалқ муҳокамасига қўйилди. КПСС Марказий Комитети коммунистларни ушбу программ ҳужжатда тилга олинган муаммолар ҳусусида ўз позицияларини белгилаб олишга даъват этади, ҳужжат қоидалари хусусидаги баҳс-мунозаралар партиявий ишни янгилаш учун омил бўлади, деб умид қилади. Ҳужжатни муҳокама қилишга партиясизлар, қайта қуриш шароитида партиямизнинг ролига бефарқ қарай олмайдиган барча кишилар ҳам таклиф этилади.

Партиянинг даъвати тушунилади ва қўллаб-қувватланади, барча қимматли фикрлар, ғоялар, таклифлар ҳисобга олинади ва амалга оширилади, деб умид қилиш мумкин. Буни таъкидлаш шунинг учун ҳам муҳимки, оддий коммунистларнинг ва партиясизларнинг фикрлари кўпинча эътиборсиз қолиб кетар эди ва одамлар ўз мулоҳазалари ва таклифлари тақдиридан бехабар қолар эдилар — бунга Пленум қатнашчилари ҳам эътиборни қаратдилар. Бундай бюрократик тартибга узил-кесил чек қўйиш керак. Мунозара расмиятчилик учун, омма билан ўйнашиш учун ўтказилаётгани йўқ. Гап партиямизнинг тақдири тўғрисидаги, унинг жамиятдаги ўрни ҳақида бормоқда.

Февраль Пленуми материалларига зўр қизиқиш совет кишилари партиямизни қайта қуриш ишини муваффақиятли олиб борадиган нуфузли сиёсий куч, деб ҳисоблаётганликларининг яна бир далилидир. Лекин башарти КПСС ўзини қатъиян ва тубдан қайта қурмаса, ҳозирги дунёнинг реалликларини ҳисобга олиб ғоявий-назарий қуролларини, ўз ишининг мазмунини, шакллари ва усулларини янгиламаса, ишончдан маҳрум бўлиб қолиши мумкин. Кадрлар сиёсати тубдан такомиллаштиришга муҳтождир. Афсуски, КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленумида ишлаб чиқилган кадрларни янгилашга доир комплекс тадбирлар ҳали ҳам сўст амалга оширилмоқда, ташаббускор, ижодий фикр юритувчи одамларни излаш ва партия комитетларига сайлаш етарли даражада фаоллик билан олиб борилмаяпти. Бюрократизмга қарши кураш ошкора бўшаштириб юборилди, кўпгина коммунистлар ҳамон партия турмушидан ажралиб қолганлар, улар сайлаб қўйиладиган органларни тузишга амалий таъсир ўтказмаётирлар. Ғоявий ва сиёсий кураш кучайган шароитда айрим партия комитетлари ўзларини йўқотиб қўйди, митингбозликка коммунистларнинг қатъий ва равшан позициясини қарама-қарши қўя олмади.

КПСС муддати яқинлаштирилган съездга тайёргарлик кўрар экан, партия ва жамиятни янгилашнинг, шу асосда барча тараққиёпарвар, соғлом кучларни жипслаштиришнинг реал программасини олға сурди. Партия хўжалик юритиш ва сиёсатнинг қотиб қолган системасини қатъиян бузиб ташлаш учун курашмоқда — қарашлар, фикрлар, ёндашувлар турличалигига қарамай, бу масалада Пленум қатнашчилари кўпчилиги яқдилдир. Партия кўп йиллар давомида социализмнинг давлат-маъмурий моделини гўё бузилишдан сақлаб келган, ижтимоий тараққиёт йўналишлари тўғрисидаги турли хил хом хаёллар ва соҳта тасаввурлар манбаи бўлиб келган ақидага айлантирилган идеологиядан воз кечишни ёқлаб чиқмоқда. Шу билан бир вақтда партия Маркс, Энгельс, Ленининг материалистик дунёқараши ва диалектик методологиясининг ижодий моҳиятига содиқ бўлиб қолишини тасдиқлайди.

Инсон, унинг ҳуқуқлари ва шахсий қадр-қиммати, манфаатларининг ҳилма-хиллиги партия сиёсатининг марказида туради. Пленумда зўр куч билан таъкидлаб ўтилганидек, КПСС ижтимоий муносабатларни қатъиян инсонпарварлаштириш, иқтисоднёт ва сиёсатни инсоннинг эҳтиёжлари ва талаблари томон, чинакам ижтимоий адолат принципларини қарор топтириш томон кескин буриб юбориш сиёсатини ўтказади. Мамлакатда иқтисодий вазиятни соғломлаштиришга, самарали планли-бозор иқтисодиётини қарор топтиришга доир партия таклиф этаётган тадбирлар ҳам ана шу мақсадларга қаратилган. Социалистик демократияни ва халқнинг ўзини ўзи бошқарувини авж олдиришга, Советларнинг тўла ҳокимиятини мустаҳкамлашга, ҳуқуқий давлатни барпо этишга доир қадамлар ҳам ана шу мақсадларга хизмат қилади. Мамлакатимизда янги миллатлараро муносабатларни қарор топтириш, ҳар бир халқнинг ҳуқуқлари ва қадр-қиммати ҳурмат қилиниши таъминланадиган, халқлар дўстлигининг ленинча принциплари сақлаб қолинадиган ва мустаҳкамланадиган янги федерация сари ҳаракат қилиш — барча миллатлар манфаатларига мос келади.

Халқаро муносабатларда янги тафаккур принципларини рўёбга чиқариш юзасидан КПСС сарфлаётган куч-ғайратлар қайта қуриш ишига, совет кишиларининг тинч бунёдкорлик меҳнатига, уларнинг эртанги кунга ишончларини мустаҳкамлашга хизмат қилиши керак.

Ана шу барча режалар ва планлар муваффақиятининг калити — сўзсиз партиянинг ўзини тубдан қайта қуриш ва янгилашдадир. Унинг буйруқбозлик-бюрократик, авторитар усуллардан бутунлай воз кечишидадир, партия турмушини чуқур демократиялашдадир. Партия ички муносабатларини барча коммунистлар, бошланғич ташкилотлар оғизда эмас, балки амалда партия сиёсатини ишлаб чиқишга, КПСС Марказий Комитетига қадар унинг барча раҳбар органларини сайлаб қўйишга реал таъсир ўтказиш имкониятини оладиган қилиб қайта қуриш лозим бўлади. Партия ўзининг жамиятдаги раҳбарлик роли Конституция билан мустаҳкамлаб қўйилишидан воз кечаётган ҳозирги пайтда фақат коммунистларнинг муносиб ишларигина КПССга ўз раҳбарлик мавқеини сақлаб қолиш имконини беради.

Февраль Пленумидаги партиявий мунозара давомида КПСС Марказий Комитетининг тутган йўли қўллаб-қувватланди. Кўпгина газеталар «Правда»га ёзган хатларида ҳам бу йўлни умуман маъқулламоқдалар. Шу билан бир вақтда улар асосли равишда савол бермоқдалар: белгиланган программа қанчалик реал! Уни амалда рўёбга чиқариш тадбирлари пухта ўйланганми! Афсуски, бундай хавфсираш учун асос бор. Неча марталаб шундай бўлдики, партия барча бўғинларининг собиқадам мафкуравий ва ташкилотчилик ишлари билан мустаҳкамланмаган энг истиқболли ташаббуслар ишларнинг аҳволига сезиларли таъсир қилмай, қоғозда қолиб кетаверди. Шунинг учун ҳам мунозара, КПСС XXVIII съездига тайёргарлик жараёнида етилган масалаларни сира кечиктирмай ҳал қилиш, партиявий ишни мумкин қадар кўчайтириш лозим.

Партия ташкилотлари истиқболни белгилаб, келажак ҳақида ўйлар эканлар, аниқ-равшан муҳим муаммолардан, шу кунинг долзарб масалаларидан четда тура олмайдилар, четда турмасликлари ҳам керак. Чунки келгусининг пойдевори бугун барпо этилади.

«Коллективимиз КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг ўтишини зўр эътибор билан кузатиб турди. Мамлакатда юз берган мураккаб вазият муносабати билан Пленум қатнашчилари ғоят ташвишланаётганликларига биз ҳам қўшиламиз». Бу хат Саратов нефтни қайта ишлаш заводидан ҳозиргина келди. Завод коллективини давлат ва меҳнат интизомининг бўшашиб кетганлиги, масъулиятсизлик ва ҳеч нарсага ишонмаслик, жиноятчилик ва пинҳона иқтисодиёт, бошқа салбий ҳодисалар кучайганлиги ташвишга солмоқда. Завод ишчилари, инженерлари, техниклари КПСС Марказий Комитети, мамлакат ҳукумати тартиб ўрнатиш, жамиятдаги аҳволни барқарор қилиш учун, бошбошдоқлик, қонунсизлик ва анархияга йўл қўймаслик учун сусткашлик қилмасликлари, қонунда кўзда тутилган барча чоралардан фойдаланишлари зарур, деб ҳисоблашмоқдалар. Бошқа жойлардан ҳам «Правда»га ана шундай талаблар келмоқда. Бу талабларга қулоқ солмаслик мумкин эмас.

Аммо партия ташкилотлари фақат марказнинг қатъий ҳаракат қилишига ишониб хотиржам бўлишга ҳақлари йўқ. Улар одамларнинг кайфиятларини яхши билишлари ва ҳисобга олишлари, камчиликларни бартараф этиш учун шошилинч чоралар кўришлари, коммунистларнинг ташаббусини ривожлантиришлари, ўз коллективидаги, шаҳардаги, областдаги, республикадаги ишларнинг аҳволи учун коммунистларнинг масъулиятини оширишлари керак.

Ҳаёт келтириб чиқараётган мураккаб саволларга бир хил, жўн жавоб йўқ ва бўлиши мумкин эмас. Одамларнинг вазият яхшиланишини кутаётганлигидан ғаразли мақсадда фойдаланаётган кишилар, енгилтаклик билан катта-катта ваъда бераётганлар очиғини айтганда, афкор омма билан ўйнашмоқдалар, эҳтиросларни авж олдирмоқдалар. Бир қанча партия ташкилотларининг юз бераётган қийинчиликлар олдида ваҳимага, саросимга тушиш кайфиятлари Пленумда ҳақли равишда кескин қораланди. Ҳозирги вақтда коммунистнинг позицияси, унинг қарашлари, ишлари, ҳулқ-атвори жуда муҳим аҳамиятга эга.

«Правда» редакцияси партияни қайта қуриш муаммоларини рўй-рост, эркин муҳокама қилиш учун газетанинг бир саҳифасини ажратади. Газета ҳар ҳафтада икки марта «мунозара варақаси» чиқаришни режалаштирмоқда, биз Пленум якунлари юзасидан туркум бош мақолалар эълон қилмоқчимиз. Ҳозирги вақтда энг муҳими — фикрлар, мулоҳазалар, ғояларнинг бутун хилма-хиллигини газета саҳифаларида акс эттиришдир. Бирдан-бир мезон — партиянинг манфаатлари тўғрисида, халқ бахт-саодати ҳақида ғамхўрлик қилишдир.

КПСС XXVIII съездига тайёргарлик сўнгги равон йўлга чиқиб олди. Совет кишилари катта умидлар ва орзуларини партия анжуманн билан боғламоқдалар. Бу орзулар ва умидлар оқланиши учун бутун кучимизни, билимимизни, ғайратимизни сарфлайлик.

[«Правда»нинг 1990 йил 14 февраль сонидаги бош мақоласи].

Ўқиб - ўрганишяпти

КПСС Марказий Комитетининг ҳаракат дастури лойиҳасини ҳамма ҳам кутаётганди. У кеча матбуотда эълон қилиниши билан газетанинг шу сони қўлма-қўл бўлиб кетди. Одамлар партиянинг ушбу ҳужжатини интиқиб кутаётгани сабаби бор: партиядаги янгиланиш, унинг тақдири, келажаги, жамиятдаги тутган ўрни коммунистларни ҳам, партиясизларни ҳам ғоятда қизиқтирмоқда эди. «Иш бошланишидан олдин, тушлик пайтида ва ишдан сўнг кўпчилик ишчи ва хизматчиларнинг қўлида газета, барча суҳбатларнинг мавзуси ҳаракат дастури ҳақида бўляпти, — дейди мухбиримиз билан суҳбатда Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводи партия комитети секретари Ш. Файзиев. — Шу куни биз партком мажлисини ўтказиб, барча ташвиқотчи ва тарғиботчиларни, мутахассисларни одамларнинг ҳузурига юбордик. Улар тушунтириш ишларини олиб бормоқдалар. Ишчилар ўз саволларига шу заҳоти жавоб олмоқдалар».

Суратда: заводнинг Р. Тўраев бошлиқ токарлар бригадаси аъзолари пешин пайтида КПСС Марказий Комитетининг ҳаракат дастурини ўқиб, муҳокама қилмоқдалар.

В. МОЛГАЧЕВ сурати.

«Совет Ўзбекистони» анкетаси

КПСС XXVIII съезди олдидан

ЯНГИЛАНИШДА ЕНГИЛ ИШ ЙЎҚ

Суҳбатдошимиз — КПСС Марказий Ревизия комиссияси аъзоси, СССР халқ депутати, СССР Олий Советининг аъзоси, Тошкентдаги В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бригадири В. Т. Одилов.

Ушбу анкета газетхонларимиз таклифи билан уюштирилди. КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми ўз ишини давом эттираётган кунларда ва Пленумдан кейин редакцияга келаётган хатлар оқими кўпайди. Уларнинг муаллифлари Пленумда республикамиздан қатнашган коммунистларнинг унда кўтарилган масалаларга нисбатан муносабатлари билан қизиқмоқдалар, Коммунистик партиянинг ҳозирги даврда жамиятимизда тутган ўрни ва роли ҳақида, партия ичида қайта қуриш муаммоларн, унинг обрўси ва авангардлик ролини янада мустаҳкамлаш борасида Пленумда қандай амалий тадбирлар белгиланганлиги ҳақида сўзлаб беришларини илтимос қилмоқдалар.

— КПСС Марказий Комитети февраль Пленумидан олган таассуротларингиз қандай!

— Пленум бутун мамлакат ҳаётида, Коммунистик партия ҳаётида ниҳоятда катта воқеа бўлди. У амалда КПСС XXVIII съездига тайёргарликнинг ҳал қилувчи босқичини бошлаб берди. Пленумда муҳокама қилинган масалаларнинг ниҳоятда долзарблиги, мунозараларнинг очиқ-ошкора бўлгани, фикрлар ва таклифларнинг хилма-хиллиги, ҳар бир нотиқ КПСС Марказий Комитетининг ҳаракат дастурига ўз муносабатини принципиаллик билан билдириши... Гапнинг сирасини айтсам, мен КПСС Марказий Ревизия комиссияси аъзоси сифатида Пленум якунларидан қониқиш ҳосил қилдим. У қабул қилган КПСС XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳасида энг аввало, одамлар манфаати ўз аксини топди. Ғоят мураккаб иқтисодий кризисдан қандай қилиб чиқиш йўл-йўриқлари кўрсатилди, миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришнинг, партиянинг ўз ичида қайта қуришни қаттиқ туриб амалга оширишнинг, партиявий интизомни қатъиятлик билан мустаҳкамлашнинг энг муҳим тадбирлари белгиланди.

— Кўп газетхонлар ўз хатларида партиядаги янгиланиш, қайта қуриш, унинг келажаги билан қизиқмоқдалар. Пленумдан сўнг, Сизнинг фикрингизча жамиятимизни янгилашнинг ҳозирги ва бундан кейинги босқичларида унинг ўрни қандай бўлади! Ижтимоий ҳаётда давлат, Советлар, норасмий уюшмалар, бошқа сиёсий ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро муносабатларда у қандай роль ўйнаши керак! Шу муносабат билан Пленумдагина эмас, барча коммунистлар ўртасида жуда кўп тортишувларга сабаб бўлаётган СССР Конституциясининг 6-моддаси ҳақидаги фикрингиз қандай!

— Партия ҳеч сўзсиз жамиятдаги сиёсий етакчилик ролини сақлаб қолиши керак. Бу шунинг учун ҳам керакки, партия бутун ҳаётимизни қайта қуришдек жуда катта ишни бошлаб берди. Унинг босқичларини, янгиланиш йўлларини ҳам ўзи белгилаб берди. Бошланган ишни ниҳоясига етказиш ҳам фақат Коммунистик партиянинг қўлидан келади; мамлакатимизда бу ишни муваффақият билан пировардига етказадиган бошқа ҳеч қандай сиёсий куч йўқ. Аммо ҳаракат дастури лойиҳасида «КПСС монополияни даъво қилмайди ва социалистик жамиятни янгилашни ёқлаб чиқаётганларнинг ҳаммаси билан сиёсий мулоқот ҳамда ҳамкорлик қилишга тайёр», деб таъкидланди. Барча Пленум иштирокчилари қатори мен ҳам бу фикрни тўла қўллаб-қувватлайман. Энди партиянинг раҳбарлик роли ҳақида. Бу тушунча ўзгариб боряпти. Зеро, КПССнинг ўзи ҳокимиятни Советлар зиммасига топшириш масаласини қўйди. У бу борада оммaнинг фикрини қўллаб-қувватлаб, ўз фаолиятида халққа суяниб, иш олиб бормоқда. Халқнинг фикри — партиянинг фикридир. Халқ билан партияни сира ҳам бир-биридан ажратиб бўлмайди.

Ҳозир тез-тез тилга олинаётган 6-модда ҳақида ҳам ҳаракат дастури лойиҳасида очиқ-равшан қилиб айтилди: «Партия давлат ҳокимияти ваколатларини ўз зиммасига олмайди. Унинг роли — афзалликларга ҳамда СССР Конституциясида ўзининг алоҳида мавқеининг мустаҳкамлаб қўйилишига даъво қилмаган ҳолда, коммунистлар орқали ҳаракат қилувчи, демократик асосда тан олинган сиёсий раҳбар бўлишдан иборат. Шу муносабат билан партия мамлакат Асосий Қонунининг 6-моддаси юзасидан қонун лойиҳаларини таклиф қилиш ташаббуси тартибида СССР халқ депутатлари съездига тегишли таклиф киритиш зарур, деб ҳисоблайди». Аммо менингча бу муаммо тўғрисида мамлакатда аҳвол тубдан яхшиланганда кейин, жуда бўлмаганда СССРнинг янги Конституцияси устида иш олиб бориладиган даврда мулоҳаза қилинса ўринли бўларди.

— Пленумда нотиқлар партия қайта қуришни бошлаб қўйиб, ўзи бу жараёндан орқада қолди, деб айтишди. Газетамизга келаётган хатларда ҳам бу фикр таъкидланмоқда. Сизнингча, шу вазиятдан қандай қилиб чиқиш мумкин!

— Агар биз партияни янгилашга эришсак ва уни, мисол учун айтайлик, райкомнинг биринчи котиби, бошланғич ташкилот котибидан талаб қилибгина қолмай, ўз навбатида ана шу котиб ва оддий коммунистлардан кучли туртки олиб турадиган, уларнинг фикр ва мулоҳазалари билан ҳисоблашадиган тарзда янгиласаккина, КПСС совет жамиятида қонуний тарзда ўзининг авангардлик ролини ва ўз ўрнини эгаллай олади. Афсуски, партиявий таъсир кўрсатиш ҳозирча бир ёқлама — юқоридан қуйига қараб бўляпти. Партия органлари қуйи ташкилотлар таъсир доирасидан четда турибди. Ана шу сабабли ҳам райком ва обкомларда кўп масалалар тор доирада туриб ҳал этилаётир ва унга таъсир ўтказиш анча қийин.

Партия тўла қувват билан ишлай бошлаши учун энг аввало, қуйи бўғинлар юқори ташкилотларга таъсир ўтказадиган йўлларни топиш лозим. Зеро, уларнинг фикри билан ҳисоблашилмас экан, партия ўзи бошлаган қайта қуриш суръатидан орқада қолаверади. Ишни шундай ташкил этиш керакки, сайлаб қўйиладиган барча партиявий лавозимларга одамлар тайинланадиган эмас, балки қатъий демократик асосларда сайлаб қўйиладиган бўлсин. Бу соҳада ҳамма риоя этиши мумкин бўлган тайёр андоза йўқ (ҳозир расм бўлаётган сайлов усуллари ҳали такомиллашиб ва демократиялашиб боравради). Муҳими партия ташкилоти раҳбари мавжуд шароитни ҳис этиш тушунчасини йўқотиб қўймаслиги ва, албатта, у альтернатив тарзда кўп номзодли сайлов жабҳасидан ўтиши лозим.

Яна шуни ҳам айтайки, баъзи коммунистлар ўртасида пароканда лик, вақтинча обрўсизланишдан шошиб қолиш ҳоллари ҳам кўзга ташланяпти: айримлар ҳатто партиядан чиқиш тўғрисида ариза ҳам ёздилар, баъзилар эса партия билетини бошланғич ташкилот секретарига олиб келиб топширдилар ҳам. Шу ўринда аввало, ана шу кишилар аслида чин коммунистлар эдими, деган савол туғилади менда. Йўқ, улар партия билетига эга бўлсалар ҳам коммунист деган шарафли номдан жуда узоқда турардилар. Агар синчиклаб ўрганадиган бўлсак, бундай кишилар орасида кўпчилик партия сафига ўз шахсий манфаати илинжида, бирорта юқори лавозимни олишни кўзлаб кирганлиги маълум бўлади. Қайта қуриш ва янгиланиш ана шундай «коммунистлар»нинг бутун умидларини пучга чиқарди. Шунинг учун ҳам улар дўппи тор келганида партия сафини ташлаб кетмоқдалар. Бир ҳисобда ана шундай номигагина партия аъзоси бўлганлардан қутилаётганимиз дуруст бўляпти. Зеро, В. И. Ленин таъбири билан айтганда, коммунистлар сони оз бўлишидан сира ҳам чўчимаслигимиз керак, аммо сафимизда фақат энг содиқ партия аъзолари бўлсин.

— Пленумда КПСС Марказий Комитетининг партия XXVIII съездига ҳаракат дастури лойиҳаси муҳокама этилди ва у матбуотда эълон қилинди. Ана шу муҳим ҳужжат ҳақидаги фикрингиз!

— Мен бу борада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримовнинг Пленумда сўзлаган нутқида кўтарилган масалаларни тўла қўллаб-қувватлайман. У ўз нутқида бир қатор жиддий муаммолар тўғрисида гапирди. Дарҳақиқат, иқтисодий ва ижтимоий аҳволни яхшиламай, қайси миллатга мансублиғидан қатъи назар ҳар бир кишининг, оиланинг ва бутун аҳолининг кайфиятини белгилаб берадиган ҳаётий муҳим эҳтиёжларни қондирмай туриб, қайта қуриш ва янгиланишнинг пировард якунлари тўғрисида ўйлаб ҳам бўлмайди.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, ҳаракат дастурининг, «Янги федерация сари» деган бўлимида ҳар бир иттифоқдош республиканинг мамлакат халқ хўжалиги комплексида ўз ўрни бор, деган принципиал қоида олға сурилган. Эндиликда ҳар бир республика ўз тараққиётини ўзи белгилайди. Бу-ку, дуруст. Аммо, ана шу, принципни рўёбга чиқариш учун энг зарур шарт-шароитлар яратилмас экан, буни амалга ошириш қийин, албатта. Негаки, республиканинг ижтимоий-иқтисодий базаси ниҳоятда танг аҳволда, кишилар мамлакатдаги ўртача даражадан тахминан тўртдан бир баравар кам миқдорда иш ҳақи олмоқдалар, аҳоли жон бошига даромадлар ҳам деярли икки баравар камдир. Халқимизнинг 45 фоиздан кўпроқ қисми деярли қашшоқликда яшаяпти. Республикамиз аҳолиси турмуш даражаси бошқа регионларга нисбатан икки баравар орқада қолаётгани эса шошилинч чоралар кўришни талаб қилади. Шунинг учун ҳам республикамиз вакиллари Пленумда дастурда ижтимоий сиёсат, аҳоли турли табақаларининг ижтимоий ҳимояланишини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор беришни талаб қилдилар.

Ҳаракат дастурида инсоннинг меҳнат қилиш ҳуқуқи кафолатини мустаҳкамлаш зарурлиги қизил ип бўлиб ўтган. Бу муаммо, сирасини айтганда, республикамиз аҳолиси учун алоҳида аҳамиятга эга. Негаки, ҳозир халқимиз ўртасида ишсизлар сони ошиб бормоқда ва уларнинг сони сал кам 1 миллион кишига етди. Биз ана шуни ҳисобга олиб, республикада одамларга томорқа учун ер ажратиб бериш, қишлоқларда кичик цех-филиаллар қуриш, касаначиликни ташкил этиш юзасидан зарур чоралар кўрилаётгани ва шу билан бирга одамларни иш билан таъминлашнинг Иттифоқ бўйича программасини ишлаб чиқиш лозимлигини таъкидладик. Республика партия ташкилотлари, меҳнат коллективлари партияда ва умуман мамлакатимизда юз бераётган мураккаб, қийин вазиятдан ташвишланиш билан бирга, айни пайтда бир масалада якдил эканликларини, яъни федерациямизни янгилаш ва КПССдаги қайта қуриш билан боғлиқ барча принципиал масалалар юзасидан аниқ, қатъий позиция ҳозир ҳар қачонгидан ҳам зарур эканлигини айтдик.

— Сиз Пленумдан қандай муаммолар ва режалар билан қайтдингиз!

— Пленумнинг бошқа иштирокчилари қатори мен ҳам ўз республикамиз меҳнаткашларига янги ғояларни тушунтириш юзасидан аниқ вазифа олдим. Албатта, учрашув ва суҳбатларда навбатдаги Пленум диққат-эътиборн учун одамларнинг таклиф ва мулоҳазаларини ҳам эшитаман.

Пленум бизга Марказий Комитет кўпчилик аъзоларининг ўй-фикрлари, кўзлаган мақсадлари ва режалари қандай эканлигини амалда кўриш имконини ҳам берди. Улар чиндан ҳам янгиланиш жараёнида ўсиб-улғайиб ва айни пайтда ўзи ҳам янгиланиб бораётган кишилардир. Энг муҳими, одамлар партияда мунозара бораётганини, фикрлар хилма-хиллиги борлигини, ана шу фикрлар бошқалар томонидан ҳурмат билан ва қизиқиб эшитилаётганини ҳам кўрдилар. Олдимизда турган энг муҳим вазифа эса — КПСС XXVIII съездига пухта тайёргарлик кўришдир.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ СЕССИЯСИ ОЧИЛДИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

тўғрисидаги, иттифоқдош республиканинг СССР Конституцияси 72-моддасига мувофиқ ССР Иттифоқидан чиқиши билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш ҳақидаги бир қанча қонун лойиҳалари кўриб чиқилади. Депутатлар гражданларнинг миллий тенг ҳуқуқлилигига тажовуз қилганлик учун ва СССР территорияси бирлигини зўрлик билан бузганлик учун масъулиятни кучайтириш тўғрисидаги қонун лойиҳасини ҳам муҳокама қилишлари лозим.

Давлат солиқ инспекцияларининг ҳуқуқлари тўғрисида, фавқулодда ҳолатнинг ҳуқуқий режими ҳақида ҳамда СССР Ички ишлар министрлиги ички қўшинларининг жамоат тартибини сақлаш вақтидаги вазифалари ва ҳуқуқлари тўғрисида мамлакат ҳукумати тақдим этган қонунларнинг лойиҳаларини кўриб чиқиш ҳам таклиф қилинди. Тегишли комитетлар ва комиссиялар мазкур қонун лойиҳалари юзасидан ўз хулосаларини тақдим этадилар. СССР халқ депутатлари иккинчи съезднинг қарорига мувофиқ сессия СССР Олий Советининг жиноятчиликка қарши кураш масалалари комитетини сайлаши керак.

Мажлисда СССР Олий Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Лукьянов сессия кун тартиби ва иш тартиби юзасидан СССР Олий Совети Президиумининг таклифларини баён этиб берди. У СССР халқ депутатларининг навбатдан ташқари учинчи съездини 27 февралда чақириш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг таклифини сессия муҳокамасига киритди.

СССР Олий Советининг сессияси апрель ойининг охирларида тугайди, деб мўлжалланмоқда.

ҚОЧОҚЛАРГА ЁРДАМ ТЎҒРИСИДА

СССР Министрлар Совети 1990 йилнинг 1 январидан кейин Озарбайжон ССРдан мажбуран чиқиб кетган гражданларга ёрдам кўрсатишга доир қўшимча тадбирлар тўғрисида қарор қабул қилди.

Ушбу қарорга мувофиқ ва СССР Министрлар Советининг 1990 йил 17 январдаги қарорига қўшимча равишда бир қанча министрликлар ва идораларга Озарбайжон ССРдан мажбуран чиқиб кетган кишиларни ўзларига тегишли соғломлаштириш муассасаларида вақтинча жойлаштириш, шунингдек уларни овқатлантиришни таъминлаш таклиф этилди. Уч ой мобайнида улар ўзларини қабул қилган ташкилотлар ҳисобига яшайдилар ва овқатланадилар. СССР Молия министрлигига бу сарф-харажатлар ўрнини қоплаш тартибини аниқлаш топширилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига Озарбайжон ССРдан мажбуран чиқиб кетган гражданларни ўзларига тегишли ва идораларга қарашли ташкилотлардаги соғломлаштириш муассасаларида вақтинчалик жойлаштириш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиб, ҳал қилиш топширилди.

Озарбайжон ССРни мажбуран ташлаб кетган гражданларни вақтинчалик жойлаштириладиган ерларга ташиш учун кетадиган харажатлар, қарорда кўрсатилганидек, СССР Министрлар Советининг резерв фондидаги маблағлар ҳисобидан бўлади. Кейинчалик унинг ўрни Озарбайжон ССР бюджетидан қопланади.

СССР Соғлиқни сақлаш министрлигига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига Озарбайжон ССРни мажбуран ташлаб чиқиб кетган гражданларга улар вақтинчалик жойлашган ерларда касалликларнинг олдини олиш ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан тадбирларни амалга оширишни таъминлаш топширилди.

СССР Халқ таълими давлат комитети ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари ушбу қарорга мувофиқ Озарбайжон ССРни мажбуран ташлаб чиқиб кетган оилалар болаларининг, ўсмирларнинг улар амалда яшайдиган ерларда ўқиши ва таълим олишини ташкил этиш учун шарт-шароит яратиб беришлари керак.

СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитети ВЦСПС билан биргаликда, дейилади ҳужжатда, икки ҳафталик муддатда СССР Министрлар Советига Озарбайжон ССРдан келган қочоқларни ишга жойлаштириш билан боғлиқ масалалар юзасидан ўз таклифларини тайёрлаб, тақдим этишлари лозим.

СССР Қизил крест ва Қизил ярим ой жамиятлари уюшмасининг, Совет тинчлик фонди, В. И. Ленин номли Совет болалар фонди ҳамда Меҳр-мурувват ва сиҳатсаломатлик совет фондининг Озарбайжон ССРни мажбуран ташлаб чиқиб кетган гражданларга моддий ёрдам кўрсатиш борасидаги ташаббуси маъқулланди.

(ТАСС).

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

14 февраль куни Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлисни комиссия раиси Т. Х. Собитов бошқарди.

Марказий сайлов комиссияси алоқа органларининг Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови натижалари тўғрисида сайлов комиссияларининг хабарларини қабул қилиб олиш ва узатишга тайёр эканлиги ҳақидаги Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг ахборотини муҳокама қилди. Алоқа министрлиги ва унинг жойлардаги идоралари сайлов комиссияларини алоқа билан пухта таъминлаш, сайлов куни хабарларни тезда ўтказиш юзасидан изчил иш олиб бораётганлиги таъкидланди. Сайловчиларнинг сайловга келиши ҳамда овоз бериш натижалари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва жўнатиш тўғрисидаги йўл-йўриқлар ишлаб чиқилди ва алоқа корхоналарига етказилди. Алоқанинг асосий ва резерв схемалари тузилди, улар ишлатиб синаб кўрилди, сайлов телеграммалари оқими қанча бўлиши аниқланди. 17 февраль куни Марказий сайлов комиссияси биносида махсус телеграф узелини ўрнатиш кўзда тутилмоқда.

Ҳозиргача барча округ сайлов комиссиялари, шунингдек 6781 сайлов участкасидан 6474 таси телефонлаштирилди. Қолган сайлов участкалари бошқа идораларга қарашли радио станциялар билан таъминланди. 44 та сайлов участкасида алоқа автотранспорт воситалари ёрдамида амалга оширилади.

Марказий сайлов комиссияси республика Алоқа министрлигининг ахборотини маълумот учун қабул қилиб овоз бериш куни ҳамда шундан кейинги сайлов натижаларини чиқариш кунларида сайлов комиссияларини ишончли алоқа билан таъминлаш учун барча чораларни кўришни тавсия этди.

Мажлисда Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон ССР халқ депутатлари сайлови якунлари ҳақидаги ахборотини матбуотда эълон қилиш тартиби муҳокама қилинди. Сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 50-моддасига мувофиқ сайлов якунлари тўғрисидаги хабар республика газеталарида камида ўн кун муддат ичида эълон қилинади, деб белгилаб қўйилди.

Сайланган депутатларнинг умумий рўйхати республика газеталарида эълон қилинганидан кейин автоном республика, областлар ва Тошкент шаҳридан сайланган депутатларнинг рўйхатлари Қорақалпоғистон АССРнинг тегишли газеталарида, область ва Тошкент шаҳар газеталарида эълон қилинади.

Округ сайлов комиссияларининг округлардаги сайлов натижалари ҳақидаги телеграф орқали берилган хабарлари ҳамда протоколларини қабул қилиб олиш ва Марказий сайлов комиссиясида кўриб чиқиш тартиби ҳам муҳокама қилинди. Участка сайлов комиссияларига янги бюллетенлар тайёрлаш имконияти бўлмаган тақдирда тегишли округ комиссиялари билан келишиб даъвогарликдан чиққан номзоднинг фамилиясини ўчириб, фамилия қаршисига «чиққан» сўзини ёзиб бекор қилишга рухсат этилди.

Мажлисда 1990 йил 25 январдан 12 февралгача бўлган даврда гражданлар ва меҳнат коллективларининг аризаларига Марказий сайлов комиссияси қайтарган жавоблар ҳам кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссиясининг ишида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари Б. И. Бугров, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. Ш. Беккулбекова қатнашдилар.

18 ФЕВРАЛЬ — Ўзбекистон ССР халқ депутатлари ва маҳаллий Советлар депутатлари сайлови куни



МЕҲР

Анатолий Логачев «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида электрчиларга бригадирлик қилади. У бу корхонада армия хизматига чақирилмасдан олдин ишлаган эди. Хизматдан сўнг ўз жонажон коллективига қайтиб келди. Мана чорак асрдирки, у шу коллективда меҳнат қилиб, кўпчиликнинг ҳурматини қозонди. Анатолий Логачев раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари мураккаб асбобларга хизмат қилмоқда. Ҳамкасбларн унга катта ишонч билдиришди. Меҳнатсевар бу йигитни 8-марказий сайлов округидан республика халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатишди. Бу ерда беш номзод овозга қўйилган.

Анатолий Логачевнинг сайловолди программасида экология, уй-жой масалалари бор.

Суратда: Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод А. Логачев.

В. МОЛГАЧЕВ сурати.

ЭЛ НАЗАРИ

— Ҳар бир касб эгасидан ҳаётда қандайдир из қолади. Биз қурувчимиз. Биздан бинолар қолади. Қурган биноларимиз қанчалик мустаҳкам бўлса, қолдирадиган хотирамиз шунчалик умри узоқ бўлади.

Муҳаммадшо Бойдадаевнинг ҳамкасблари орасида ҳам, дўстлари даврасида ҳам тез-тез такрорлайдиган бу гаплари шиоргина эмас, балки ўзининг ҳаёт қонунига айланиб кетган.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институти қурилиш факультетининг битирувчиси Муҳаммадшога Наманган шаҳрида қурилажак Аврли газламалар комбинати бош иншооти билан маъмурий биносининг лойиҳа ва сметасини ишлаб чиқиш диплом иши сифатида топширилганида у ана шу биноларни қуришда иштирок этишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Тақдирни қарангки, 1971 йилда олий ўқув юртини тугатиб, йўлланма билан 10-қурилиш трести ихтиёрига юборилган ёш муҳандис Чустдаги 91-механизациялашган кўчма колоннада қурилиш устаси бўлиб иш бошлади. Орадан олти ой ўтгач, унинг билимдонлиги ва тиришқоқлигини кўрган раҳбарият прорабликка ўтказди.

Ёш прорабнинг чекига ана шу Намангандаги энг йирик корхона қурилишида бош пудратчининг вакили бўлиш тушди.

Муҳаммадшо ана шу жараёнда ўз билимларини тажриба билан бойитди.

1976 йилда Муҳаммадшо Бойдадаевни шаҳар партия комитетига ишга таклиф этишди. У бир муддат инструктор, кейин саноат ва қурилиш бўлимининг мудири бўлиб ишлади. Аврли газламалар комбинатининг иккинчи навбати, шойи тўқиш комбинатининг янги корпуси, Машраб номидаги 800 ўринли кинотеатр... «Электротерм» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонаси қурилишларида унинг заковати ва ташкилотчилик хислатлари намоён бўлди.

Шаҳар партия комитети коммунист М. Бойдадаевни 1978 йилда қурилиш-ремонт бошқармасига бошлиқ қилиб тавсия этди. Орадан 11 ой ўтгач эса у йирик 25-қурилиш трестига бошқарувчи этиб тайинланди. Мутахассис ишончни оқлади. Қурилиш ишларида аниқ маромга эришилди.

Ишчан ва заковатли муҳандис М. Бойдадаевни область Совети депутатлари 1984 йил бошида оближроком раиси муовинлигига сайладилар. 1985 йил кузида эса у КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Ижтимоий фанлар академиясига ўқишга юборилди. Бу ердан М. Бойдадаев юридик фанлар номзоди илмий даражасига эга бўлиб қайтди ва бурноғи йил кузда область ижроия комитети уй-жой ва коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиқлигига тасдиқланди. Ҳозир бу бошқарма ишлаб чиқариш бирлашмасига айлантирилган.

Ишнинг кўзини билган раҳбар ходимни халқ ҳамиша ардоқлайди. Унга ўз тақдирини ҳам ишонади. Муҳаммадшо Бойдадаев ўз меҳнати, изланувчанлиги, тадбиркорлиги билан элнинг назарига тушди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатила бошлаши билан наманганликлар биринчилар қатори унинг номини тилга олишди. 242-сайлов округидаги меҳнат коллективлари ҳам, 244-сайлов округига кирган маҳаллалар вакиллари ҳам уни ўз номзодлари этиб кўрсатдилар. Унинг розилиги билан 244-сайлов округи комиссияси номзодни рўйхатга олди.

Олдинда сайловлар. Халқ депутатлигига ана шундай ишчан, қобилиятли одамлар сайланса халқнинг ишончи оқланиши шубҳасиз.

Ҳабиб САЪДУЛЛА,
Турғунўлат СУЛАЙМОНОВ.

Янгиер районидаги Охунбобоев номли совхоз директори Холбек Омонликов 385-Наврўз сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинди. Ўнгдаги суратда Х. Омонликов хўжалик устахонаси ремонтчилари даврасида. Чапдаги суратда эса республика Фанлар академиясининг «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг автоматлаштириш ва ҳисоблаш техникаси бюроси раҳбари Даврон Аҳмедов ҳамкасблари билан. У ҳам Тошкент шаҳридаги 20-Ялангоч сайлов округидан республика халқ депутатлигига номзод этиб кўрсатилди.

Е. Ботиров ва М. Назаров суратлари.

Ёзувчилар уюшмасининг 70-80 йиллар нари-берисида ўтган бирор-бир ҳисобот кенгаши йўқки, Ҳалиманинг номи зикр этилмаган, унинг ўзига хос шеъриятига у ёки бу маънода фикр билдирмаган бўлсин.

Уфқларда қуёш
Ҳеч гап бўлмагандай
қип-қизариб ботар,
Бағрида олов бор, аммо
зарда йўқ...

Назаримда, бу сатрлар бошқа ҳеч кимга эмас, муаллифнинг ўз адабий тақдирига ишорадай. Қариб йигирма йилдан буён шеърият остонасига бош уриб, ҳалол хизмат қилаётган, шеърлари ҳеч муболағасиз халқимизнинг маънавий мулкига айланган Шоирамизнинг яхлит бир ижодий портрети яратилмаганлиги кишини ажабланти-ради. Ваҳолонки, у бунга арзийдиган иш қилиб қўйган...

Сталинизм қатағонининг юмшоқроқ кўринишдаги давоми маъмурий-буйруқбозлик системаси наинки иқтисодиётимиз, маънавий қадриятларимизга ҳам катта путур етказгани бугун ҳаммага маълум, Саховат ўрнида таъмагарлик, порахўрликнинг илдиз отиб яшнаши, ота-бола, ака-ука орасидан меҳр-оқибатнинг кўтарилиши, мешчанлик, жоҳиллик, бойлик ортидан қувиш — бу иллатларнинг барчаси инсонни умуминсоний сутбутлардан йироқлаштирди, уни руҳан мажруҳ, демакким, ёрти қилиб қўйди. Ана шу ёрти инсонни бутун, комил кўриш армони Ҳалима шеъриятининг бош мезони десак хато бўлмас.

Гарчи у «Адолат» деган балладасида:

Ҳайҳот, менинг кўнглимга
ғоят яқин эди у,
Шу яқинликдан туриб
юрагимни еди у, —
Хоҳ арзи, хоҳ арзимагил,
кўтараман юксакка,
Кўтараман тубанлигинг
билан ҳам гоҳ қасдлашиб.
Сени шундай юксакликда
жойлагандим юракка
Юракдаги юксакликнинг
бўйин бўлмас пастлатиб,

Бир умрга татийдиган ахлоқий, руҳий, эстетик малака, кўникма аввало ота-она, ёру-биродар, қуни-қўшни, ўзинг униб-ўсган тупроқ бағрида шаклланади. Ҳалиманинг ўзи сув ичган маънавият сарчашмаларига, хусусан болаларининг барча эркаликларини кўтаришга тайёр, фидойи Она сиймосига қайта-қайта мурожаат қилиши бежиз эмас, албатта. Унинг туркум-туркум шеърларида Она сиймоси баъзан сўнгги саждагоҳимиз, сўнгги паноҳимиз, ҳаётнинг бирдан-бир бемакр, беминнат, фақат эзгуликдан, нурдан иборат кўринишидай намоён бўлади.

Онажон, ўтир, бир
ҳасратлашайлик,
Мен недир айтмадим,
нимадир айтдим.
Барчасин унутдим,
сен-ла яшайлик,
Югурик йўлларда
тўхтадим, қайтдим.

БИР БУТУНЛИК АРМОНИ

Шоирамизнинг, Ерга меҳри ҳам ўзгача. Фақат қадоқ қўлининг қудратига сиғиниб умргузаронлик қилаётган деҳқон ғам-ташвишлари унга ёт эмас. Зеро, у шу саргзамин фарзанди. Ўзи ҳам катта ҳаётга ўша эгатлар орасидан чиқиб келган...

Мана, бир неча йилдирки, Ҳалима жумҳуриятимиз хотин-қизларининг ойлик ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий журнали «Саодат»га бош муҳаррирлик қилиб келмоқда. Шуни эътироф этиш керакки, сўнгги йилларда эълон қилинган ҳуқуқ-тартибот, иқтисодиёт, оналик ва болалик муҳофазаси, партия турмуши, Советлар фаолияти, экология, миллий анъаналар, одоб-ахлоққа доир қатор мақолалар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиб, журнал обрў-эътиборини ошириб юборди. «Саодат» ижодий ходимлари диққат-эътиборларини кўпроқ ижтимоий масалаларга, уларнинг сабабларини очишга қаратиб, танқид ва таҳлил йўлидан, таъбир жоиз бўлса, адресли гап айтиш йўлидан бормоқдалар. Адресли гап айтиш эса осон эмас: кимларнингдир, аниқроғи, янгича фикрлашни ҳоҳламаётганлар, қайта қуриш ишига тўғаноқ бўлаётганларнинг тинчини бузишга, улар билан талашиб-тортишишга, ҳақлигингни исботлаш учун баъзан судлашишга ҳам тўғри келади...

...Ҳалима Худойбердиева 95-Дмитров сайлов округидан (Ғалаба райони) Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

Талпиниб нон каби
ўпардим
Исмингни янгратган
ҳавони!..

Қачонлардир қимтиниббгина айтилган бу романтик ишқ изҳори йиллар ўтиб янгича мазмун, оҳанг, бўёқлар билан бойиди. У энди элу юртга, халққа муҳаббат, катта муҳаббат изҳори бўлиб жарангламоқда.

Муҳаммад РАҲМОН.

УНГА ИШОНАМИЗ

Андижон шаҳридаги 127-Бобур сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига тўрт номзод кўрсатилганди. Улардан Андижон темир йўл станциясининг бошлиғи А. Мамажонов, Локомотив депосининг бухгалтери Р. Холмирзаев, Андижон давлат тиллар педагогика институтининг ўқитувчиси А. Бегматовнинг ҳохиши билан сайловолди конференцияси ўтказилди. Кўп овоз олган Шерали Жўраев танланиб, сайлов бюллетенига киритиш учун рўйхатга олинди.

Мана, ўшандан буён номзоднинг округ сайловчилари билан бир неча бор учрашуви бўлиб ўтди. Мулоқот қизғин ўтаётир. Номзоднинг дастурида ободонлаштириш, меҳнаткашларга кўрсатиладиган маданий хизматни яхшилаш каби қатор муҳим масалалар қамраб олинган. Шунга қарамай, сўров, талаб ва истаклар кўп айтилмоқда. Номзодга ёшлар учун иш ўрнини кўпайтириш, табиатни муҳофаза қилишга кўмаклашиш ҳақида сўровлар қўйилди. Ш. Жўраев эса сайловчилар фикрига эътибор билан муносабатда бўлмоқда.

Бизнинг ҳамюртимиз Ш. Жўраевга нисбатан ҳурматимиз баланд. У севимли санъаткор, эзгуликни эҳтирос билан куйлаяпти. Биз унинг учун яқдил овоз берамиз.

Қ. ИНОҚОВ,
Андижон шаҳридаги «Саноат» маҳалла комитетининг раиси, партия ва меҳнат ветерани, уч марта «Ҳурмат Белгиси» ордени нишондори.

БУРЧ МАСЪУЛИЯТИ

Абдулла Қодирийнинг табаррук қадамлари етган Обод, Учқун, Чуқуркўприк, Эскижўва, Чорсу каби қадимий маҳаллалар аҳолиси бугун кўнглидаги бор гапларни тўкиб солишди. Сайловчиларнинг 31-Ўзбекистон сайлов округидан республика халқ депутатлигига номзод Қулаҳмад Ризаев билан 82-мактабда учрашув бўлиб ўтди.

— Қулаҳмад Тошпўлатович, сиз шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи ҳамда республика Соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосарисиз, — деди Гўзал Қодирова. — Аммо кечирасиз-у, даволаш-даволаниш ишлари бизда жуда хароб. Бир мисол. Мен 1-шаҳар касалхонаси қошидаги туғуруқхонада операция бўлиб, бир йилгача ўзимга келолмай, қаддим букилиб юрдим. Бу ерда ноёб аппаратлар йўқ эмас, бор. Аммо айрим врачларнинг қўполлиги, таъмагирликларини айтмайсизми? Мен аёллар ва ёш келинчаклар номидан сиздан илтимос қилардим, шаҳар соғлиқни сақлаш муассасаларининг иши яхшиланса, медицина хизмати кўрсатиш ҳамма учун бир хил бўлса.

Маҳаллалардан оқсоқоллар ҳам сўзга чиқиб, Эски шаҳар Тошкентнинг киндигида жойлашганига қарамай, унинг қаровсизлиги, ахлатхонага айланиб қолгани, газ, сув, канализация, телефон ва бошқа зарур иншоотлардан тўла фойдалана олмаётганликлари ҳақида гапирдилар. Бошқа сўзга чиққанлар мактаб, боғча етишмаслиги, сартарошхона, киоска, дорихона, поликлиника, амбулатория, хотин-қизлар консультацияси пунктларининг йўқлиги, «Спартак» стадионини қайта тиклаш хусусида таклиф-мулоҳазалар билдирдилар.

— Ўзимга берилган наказларни аллақачон бажаришга киришдим, — деди депутатликка номзод. — Борди-ю депутат бўлиб сайланмасам ҳам сизларнинг олдингиздаги ҳамюртлик ва фарзандлик бурчимни бажарсам ўзимни бахтиёр ҳисоблайман.

М. АВЕЗОВ.

ФИДОЙИ

Аввало, номзод билан танишинг: Эркин Шайхов — Тошкент қишлоқ хўжалиги институти ректори, профессор. 70 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи. У тадқиқотчи, меҳрибон раҳбар, севимли устоз бўлиши билан бирга, эл ҳурматига сазовор таниқли иқтисодчи олим.

Депутатликка номзод билан бўлган суҳбатимиз долзарб мавзу — республикамиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва уни малакали кадрлар билан таъминлашдаги ютуқ ва муаммолардан бошланди. Очиғи, бу соҳага кўп йиллик меҳнати, ижодий кучини сарф қилган зукко олим билан мулоқотда бўлиш кишига ўзгача завқ бағишларкан.

— Биласизми, революцияга қадар Ўзбекистонимизда қанча олий маълумотли агроном бўлган? Атиги 16 киши. Энди-чи? Ҳозир биргина бизнинг институтимиз йилига 1500 мутахассис, шу жумладан 700—800 нафар олий маълумотли агроном тайёрлаяпти.

Дарҳақиқат, депутатликка номзод Э. Шайхов раҳбарлик қилаётган Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида кейинги 15 йил ичида катта ўзгаришлар юз берди.

Тиниб-тинчимас раҳбарнинг ташкилотчилиги туфайли таълим масканининг моддий-техник базаси анча юксалди. Олти ўқув корпуси ва ўнта ётоқхона, янги техника павильони, спорт комплекси қурилди. Студент-ёшларнинг кўпгина ижтимоий-маиший муаммолари тўла ҳал қилинди. Барча студентлар, шу жумладан оилали талабалар ҳам ётоқхона билан таъминланиб, минг ўринли ошхона, буфет, чойхона, поликлиника, дорихона, профилакторийга, саноат, озиқ-овқат ва китоб дўконлари, спорт лагери, маиший хизмат уйига эга бўлишди.

Айниқса, таълим жараёнини такомиллаштиришга алоҳида эътибор берилди. Шу мақсадда ўқув телевидениеси, замонавий ҳисоблаш маркази ташкил қилинди.

Мазкур ишларни амалга оширишда Эркин Турдиевичнинг хизматлари катта бўлди. Буни студентлардан тортиб, ўқитувчи-ю, хизматчиларгача таъкидлаб ўтишди. Шу туфайли талабчан устозларига ишонч билдиришди. 12 минг кишилик аҳил коллектив институт ректори Э. Т. Шайховни 102-Салор сайлов округидан Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод қилиб кўрсатишди.

Айни кунларда номзод ўз сайловчилари билан қизғин мулоқотларда бўляпти. Аҳоли ўй-фикрлари, муаммолари, талаб-истакларини ўрганиб чиққан ҳолда тузган сайловолди ҳаракат дастури билан уларни таништирмоқда.

— Сайловчилар билан доимий алоқада бўлиб, уларнинг ишончини оқлаш учун сидқидилдан хизмат қилиш — менинг бурчим. Депутатликка номзоднинг фикри ана шундай.

А. БОЛИЕВ.

• Яшилликка буркансин олам

Ҳар баҳор республикамизда кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш тадбирлари ўтказиш анъанага айланиб қолди. Афсуски, кейинги йилларда бу хайрли иш ҳам расмиятчилик, қоғозбозлик, масъулиятсизлик гирдобига тушиб қолганди. Ҳолбуки, сўнгги уч-тўрт йилда ўтказилган мевали, манзарали дарахт ва гул кўчатларининг лоақал 80 фоизи кўкарганда эди, юртимиз дарахтзорга айланган, дастурхонимиз тўкин-сочин бўлган бўларди.

Яқинда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгаш шу долзарб масалага бағишланди. Мухбиримиз кенгаш қатнашчиларининг бир гуруҳига қуйидаги савол билан мурожаат қилди:

— Ноз-неъмат, саховат ўлкасининг қадимдан тилларда достон бўлган шуҳратини тиклаш учун нималар қилиш лозим?

ЭКИЛГАНИ ЭМАС, КЎКАРГАНИ ҲИСОБ

● О. Алимов, Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш республика жамияти правлениесининг раиси: — Халқимиз дастурхони йил бўйи тўкин-сочин бўлишига эришиш бугунги кундаги энг долзарб вазифалардан бири.

Шу мақсадда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг кўкламги кўчат экиш ойлигини ҳар йилгидан ўзгачароқ, яъни чуқур масъулият ҳис этган ҳолда ўтказиш борасидаги ташаббусини республика жамоатчилиги қўллаб-қувватламоқда.

Дарҳақиқат, илгари кўкламги кўчат экиш ойлигига расмиятчилик билан қараларди. Барча ташкилот ва министрликлар, идора ва муассасалар «фалон туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экдик, шунча гул ўтқаздик» деган баланпарвоз рапортлар беришарди-ю, бироқ унинг натижаси билан ҳеч ким қизиқмасди. Оқибатда экилган кўчатлар қуриб қоларди.

Сўнгги пайтларда ота-боболаримизнинг боғу-бўстонлар, гулзорлар яратишдек ибратли удумлари ёддан кўтарилди. Кўпгина меваздор боғлар асоссиз равишда кесиб юборилди.

Бу хатони тугатиш пайти келди. Шу жиҳатдан ҳам бу йилги мевали ва манзарали ниҳоллар , экиш, токзорлар ва боғлар етиштириш икки ойлигини баҳамжиҳат ўтказиш муҳим. Кўчатларни экишгина эмас, балки уларни ундиришга, амал олдириш, мавжуд боғларнинг ҳосилдорлигини оширишга, ташландиқ ерларда яшил манзиллар барпо этишга республиканинг ҳар бир фуқароси сидқидилдан ёндошиши лозим.

● М. Камолов, «Ўзбекистон» республика давлат кооператив ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси: — Республикамизда 400 минг гектарга яқин боғ ва узумзорлар мавжуд.

Бироқ мавжуд боғлардан олинаётган маҳсулот бугунги кунда аҳоли талабини тўла даражада қондира олмаяпти. Аввало, ана шу боғ ва токзорларнинг ҳосилдорлигини ошириш йўлида жиддий иш олиб борилмаётганини таъкидлаш лозим. Бу борада Тошкент областидаги «Огонёк», «Қибрай» совхозлари боғбон-соҳибкорларининг тажрибасини оммалаштириш мақсадга мувофиқ.

Қолаверса аҳолининг йил ўн икки ой мева ва узумга бўлган талабини қондириш учун боғлар ва токзорларни янада кенгайтириш зарур. Мевали дарахтларнинг эртапишар, ўртапишар ва кечпишар навларини танлаб экиш мақсадга мувофиқ. Айниқса ҳозир деярли йўқолиб бораётган ўрик, жийда, анор, анжир, уноби каби шифобахш меваларнинг янги навларини кўпайтиришга эътиборни қаратиш керак. Тўғри, бу борада бизнинг жиддий камчиликларимиз бор. Чунончи, ҳар йили мева маҳсулотларининг анча қисми аҳоли дастурхонига етиб бормай нобуд бўлади. Бунинг асосий сабаби колхоз ва совхозларда, тайёрлов идораларида маҳсулотни сақлайдиган омборлар йўқлигидир. Кейинги пайтларда кўпгина хўжаликларда мева сақланадиган катта-кичик омборлар қуришга интилиш

> Пахта яккаҳокимлигини тугатиш республикада мева-сабзавот комплексини жадал ривожлантириш учун шароит яратади. Маҳсулот етиштиришни кўпайтириб, сабзавот-полиз экинлари маҳсулотларига эҳтиёжларни 1990 йил, мева ва узумга бўлган эҳтиёжларни беш йил мобайнида тўла қондириш кўзда тутилмоқда.
>
> (Ўзбекистон Компартияси сайловолди ҳаракат дастуридан).

бор. Бироқ бу муаммони кенг кўламда, республика миқёсида ҳал этиш зарур.

Шу йилдан эътиборан сабзавот ва полиз маҳсулотлари кўпайиши шубҳасиз. Чунки республикамиз қишлоқларида ҳозир минглаб кишилар томорқа ерига эга бўлдилар. Эндиги вазифа деҳқонларнинг ўз томорқа ерларида етиштирган маҳсулотларининг эҳтиёжларидан ортиқчасини бозорга, қайта ишлаш корхоналарига, тайёрлов идораларига етказиб беришга кўмаклашишдан иборат.

● М. Мирзаев, Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори: — Кўчат ўтқазиш ойлигини юксак савияда ўтказиш учун бу ишда нуроний отахонлар ва нафақагирлар, боғбону-соҳибкорлар, мутахассислар бош бўлишлари керак.

Кекса авлоднинг хайрли ишларини, анъаналарини давом эттиришнинг энг ёрқин йўли — янги боғлар барпо қилишга ёшларни кўпроқ жалб қилишдан иборат. Кўчат экиш ойлигида, ундан кейин ҳам ниҳолларнинг текис кўкаришига эришиш, бу борада хўжасизликка йўл қўймаслик, экилган ҳар бир кўчатнинг ўз эгаси бўлишини таъминлаш, уларни агротехника қоидалари асосида ихлос билан парваришлашга ўргатишнинг шуҳратини тиклаш ниятидамиз. Шаҳар атрофини ўраб турган ҳалқа йўл чеккаларида боғ яратиш иши бошлаб юборилди. Ҳозиргача 200 гектардан зиёд майдонга ниҳоллар экдик. Кейинчалик Самарқанд атрофида 1100 гектар майдонни эгаллаган боғ-роғлар барпо этилади. Область бўйича эса шу йилнинг ўзида 2000 гектарга боғ, 2,5 минг гектар токзор барпо этмоқчимиз. Пахта майдонларининг қисқариши муносабати билан одамларда боғ яратиш иштиёқи кучайди. Афсуски, ҳозир бизга мевали дарахт кўчатлари етишмаяпти. Шу сабабли Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг филиалига кўчат етиштириш учун 300 гектар ер ажратиб бердик. Олимларимиз ўрик ва узумнинг совуққа чидамли навларини тезроқ кўпайтириб беришса, айни муддао бўларди.

Бизнингча, илгаригидек республикамизда мева-сабзавотчилик министрлигининг қайта тикланиши мақсадга мувофиқ.

● Б. Рапиғалиев, Наманган область мева-сабзавот ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси: — Етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай эл дастурхонига етказишда қайта ишлаш корхоналари, хўжаликлар қошида ташкил этилаётган кичик қувватли қайта ишлаш цехларининг аҳамияти катта.

1990 йилда яна 17 та консерва цехи ташкил этиб, уларнинг умумий сонини 31 тага етказиш ниятидамиз. Омборларимизда 550 тоннадан ортиқ картошка, 800 тонна мева, етарли миқдорда сархил сабзавот бўлиши шу кунларда бозор нархларини ўтган йилгига нисбатан 40—60 фоиз арзонлашишига олиб келди.

Бироқ боғ ва токзорларнинг ҳосилдирлигини ошириш борасида ҳали жиддий камчиликларга йўл қўймоқ дамиз. Бунинг асосий сабаблари ишлаб чиқаришда фан ютуқлари ва тажриба кенг қўлланилмаслиги, сув таъминотининг етарли эмаслиги, шунингдек, боғ ва токзорларга агротехника талаблари даражасида ишлов берилмаслигидир. 1990—1995 йиллар мобайнида 4700 гектар ерда томчилаб суғориш технологиясини жорий этиш ниятидамиз. Бироқ бу масалада биз республика сув хўжалиги ташкилотлари ёрдамига муҳтожмиз. Шунингдек, боғ ва токзорларга ишлов берувчи замонавий техника ва механизмларнинг етишмаслиги ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатаётир.

«СССРДА ГРАЖДАНЛАРНИНГ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ — УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

ҲАММА МАНФААТДОР БЎЛСИН

Умуман, мутахассис сифатида шуни айтмоқчиманки, Қонун лойиҳаси анча мукаммал ишланган. Унда амалдаги қонундаги каби ноаниқ ўринлар анча кам. Лекин у камчиликлардан ҳам ҳоли эмас. Хусусан, 15-моддани қайта кўриб чиқиш лозим, деб биламан. Ҳозир беш бола туғиб, уларни саккиз ёшгача тарбиялаган кўп болали оналарга 50 ёшга тўлганда ва камида 15 йил меҳнат стажи бўлганда қарилик пенсияси тайинланади. Ана шу талаб қилинадиган стаж янги қонун лойиҳасида 20 йилга оширилган. Бу ўринда нимага асосланилган, буниси бизга қоронғу. Шу нарса аниққи, бу ижтимоий адолатга тўғри келмайди.

Айни вақтда фақатгина бизнинг областимизда 750 га яқин кўп болали она (асосан қишлоқ жойларда яшаётганлар) талаб қилинган 15 йиллик меҳнат стажи бўлмаганлиги сабабли пенсия ололмай келмоқдалар. Ҳолбуки, уларнинг ҳар бири 9-13, ҳатто 17 фарзанднинг онаси. Айтингчи, шунча фарзандни туғиб-тарбиялаётган она 15-20 йил меҳнати стажи тўплай олармикан? Менимча, қарилик пенсияси тайинлашда меҳнат стажи ва ёши ҳам (лекин кўпи билан 50 ёшгача) ҳар бир бола учун бир йилга камайтирилса. Масалан айтайлик, уч фарзанднинг онасига қарилик пенсияси 52 ёшга тўлганида ва 17 йил стажи бўлганда тайинлансин. 13 фарзанднинг онасига эса 50 ёшга тўлганда ва етти йил меҳнат стажи бўлса қарилик пенсияси тайинланса. Шунда биз оналаримизнинг жамият олдидаги қаҳрамонлигини адолат тарозусига қўйиб баҳолаган бўлардик.

Ф. ҲАМРОЕВ,
Бухоро область социал таъминот бошқармаси бошлиғи ўринбосари, ҳуқуқшунос.

ИБРАТЛИ МЕҲНАТ ҚАДРЛАНСА

Аввало, «Совет Ўзбекистони» газетасининг 1989 йил 31 декабрь сонида босиб чиқарилган Р. Орипова ва С. Йўлдошева ўртоқларнинг хатларидаги пенсияга чиқиш ёшини беш ёшга камайтириш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватлаймиз. Айни пайтда яна бир муҳим масалага эътиборни қаратмоқчимиз. Қонун лойиҳасида ССР орден ва медаллари билан мукофотланганларга имтиёзлар бериш кўзда тутилмаган. Бундай ҳолда СССР Олий Совети Президиумининг Фармони билан ибратли меҳнат тақдирланишининг қандай аҳамияти бор? Шунинг учун ҳеч бўлмаса Ленин ордени, Халқлар дўстлиги, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари билан тақдирланган кишилар пенсиясига 5—10 фоиз қўшимча қўшиб берилишини таклиф қиламиз.

Ў. ХУББИЕВ,
К. САЛИМОВА,
Г. МАШАРИПОВА,
М. ҲИСМАТУЛЛИНА,
А. БОЛТАБОЕВА,
Хонқа район касалхонаси хизматчилари.

* * *

Шунингдек, ғиждувонлик **Т. Мақсудов**, Бахмал районидан **С. Қаршиев, А. Калонов, Д. Эргашев, О. Маматовлар**, балиқчилик **А. Асқаров**, Булунғур районидан **Н. Холиқулов**, Яккабоғ районидан **Ў. Жўраев**, пастдарғомлик **Н. Ирисқулов**, Когон районидан **Ў. Мавлонова, С. Пўлатов**, қўрғонтепалик **Т. Мамасолиев**, Бўстонлиқ районидан **А. Ортиқов**, Тошкент шаҳрилик **А. Қорабоев**, Чироқчи районидан **А. Жўраев** каби кўплаб хат муаллифлари ҳам ўз хатларида пенсия ёшини беш йилга ва ундан кўпроққа қисқартириш ҳақида таклиф билдирганлар.

• Водий истиқболи: тажриба, ташаббус ва изланиш

ИМКОНИЯТЛАР ҲАРАКАТДА

Ўзбекистон Компартияси аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини... ишлаб турган корхоналар иши сменадорлигини ошириш, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини, кичик ва ўрта корхоналар тармоқларини, кичик шаҳарлар ва қишлоқ жойларда филиаллар ва цехларни жадал кенгайтириш... ҳисобига ҳал қилиш зарур, деб ҳисоблайди.

(Ўзбекистон Компартияси сайловолди ҳаракат дастуридан)

Январь ойининг дастлабки ўн кунлигида Қизилравот қишлоғида атлас тўқиш цехи очилиб, дастлаб унга ўттиздан ортиқ уй бекаси ишга жалб этилди. Бу ерда тўқув дастгоҳларини ўрнатиш қизғин олиб бориляпти. Тез кунлар ичида мазкур цехда ишловчилар сони 115 кишига етади.

Ўзбекистон Компартиясининг сайловолди ҳаракат дастури, партия ва ҳукуматимизнинг аҳолини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш бўйича қабул қилган қарорлари асосида иш тутаётган Намангандаги Уйчи ипакчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳозир икки мингга яқин қишлоқ ёшлари ишламоқда. Янги цехлар ташкил этиш, айрим ишлаб чиқариш участкаларини кенгайтириш эвазига меҳнатга лаёқатли ёшларни, айниқса, хотин-қизларни ишлаб чиқаришга жалб қилиш кенгайиб боряпти. Ўтган йили бирлашма бўйича уч юзга яқин киши ишга жойлаштирилди.

— Ҳозир бирлашмамизнинг Чортоқ, шунингдек, Файзиобод, Ёркатай қишлоқларидаги филиаллари кўплаб ёшларни иш билан таъминлаш имкониятини берди, — дейди бирлашма директори, Ўзбекистон ССР халқ депутатлигига номзод Воҳиджон Қаҳҳоров. — Атлас, беқасам каби газламалардан ташқари вилюр, барқут ишлаб чиқаришни йўлга қўямиз. Янги цехлар, филиалларни жиҳозлаш учун юқори унумли дастгоҳлар олиб келиш бўйича бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Кенг истеъмол буюмлари турларини кўпайтиришга оид имкониятлар изланмоқда. Мутахассислар чет эл корхоналари билан ҳамкорлик қилишни кенгайтириш афзалликлари ҳақида бамаслаҳат иш тутдилар. Шу тариқа Япония, Швейцария, Ҳиндистон билан иқтисодий муносабатлар ўрнатилди. Хориж билан ҳамкорлик алоқалари туфайли бирлашмани жорий ҳисобига дастлабки валюта келиб тушди. Ишлаб топилган валютанинг бир қисмига Японияда ўн тоннадан кўпроқ қимматбаҳо хом ашё — метлон (газлама учун ишлатиладиган ялтироқ сим) сотиб олинди. Яна шу мамлакатдан чиқиндиларни қайта ишловчи агрегатлар, лаборатория жиҳозлари олишга ҳам буюртма берилди.

Уйчи посёлкаси, Ёркатай, Ёрқўрғон, Машад қишлоқларида катта ишларни амалга ошириш мўлжалланмоқда. Бу ерларда янги филиаллар очилади. 1990—1991 йилларда ана шу филиаллар қад ростлайди. Уларга замонавий дастгоҳлар ўрнатилади. Янгидан барпо этиладиган бу кичик корхоналарда мингдан ортиқ киши ишлайдиган бўлади.

Бошқа имкониятлар ҳам ҳаракатга келтириляпти. Бош корхона жойлашган Ўнҳаёт посёлкасида пиллакашлик фабрикасининг иккинчи навбати ишга туширилгач, 1000 тонна қуруқ пиллани қайта ишлаш имконияти туғилади. Мазкур корхона икки мингга яқин кишини ўз бағрига олади. Ана шу фабрика қурилиши учун 13 миллон сўмликдан ортиқ маблағ ажратилди.

Меҳнатга иштиёқли ёшлар ҳисобига ишчилар синфи сафини кенгайтиришга алоҳида эътибор қилиняпти. Корхона қошидаги махсус ўқув комбинатида туб миллат вакилларидан кўпроқ ишчи тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишга оид янги тадбирлар амалга оширила бошланди.

Ишчи-хизматчиларнинг унумли меҳнат қилишлари, дам олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Бирлашманинг бош корхонасида икки қаватли 200 ўринли ошхона, шунингдек, дам олиш, маиший хизмат комплекси ва бошқа қулайликлар яратилди. Бундай ғамхўрликлардан ишчилар мамнун бўлишмоқда. Яқинда ўн олти оила янги қурилган турар-жой биносидаги қулай ва шинам квартираларга кўчиб кирди. Кейинги вақтда жами 76 оила уй-жойли бўлди. Барча филиалларда ошхоналар, болалар боғчалари ишлаб турибди.

Бош корхона ҳузурида 400 ўринли клуб, маъмурий корпус, 140 ўринли болалар боғчаси учун бинолар қурилиши ниҳоясига етмоқда. Ишчиларни сут маҳсулотлари, гўшт билан таъминлаш мақсадида ёрдамчи хўжалик ташкил этилган. Йигирмадан ортиқ қорамол боқилмоқда. Ёрдамчи хўжаликни кенгайтириш, болали оналар ва пенсионерларга моддий ёрдам кўрсатиш учун қўшимча маблағлар ажратилди.

Корхонада ишчилар сони ортиб бориши муносабати билан меҳнат икки сменада ташкил этилмоқда.

Коллективда инсон омилига эътибор кучайтирилганлиги натижасида иқтисодий-техника кўрсаткичлари тобора яхшиланяпти. 1990 йилнинг январь ойи топшириқлари зиёда адо этилди. Ўтган йили эса пландагидан миллион сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди ва реализация қилинди. Тайёрланган жами маҳсулотнинг 8 миллион сўмлиги кенг истеъмол молларидир. Шуни таъкидлаш керакки, энг муҳим кўрсаткич — меҳнат унумдорлиги тобора ўсиб бормоқда. Эндиликда ҳар бир тўқувчи йилига пландаги 33885 ўрнига 34379 минг сўмлик маҳсулот тайёрлайдиган бўлиб қолди. Ўтган йили ишчиларнинг ўртача иш ҳақи 191 сўмни ташкил этган бўлса, 1990 йилда 220 сўмга етиши кутилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ижара ва оила пудратининг кенг жорий этилиши, ишлаб чиқаришни интенсивлаш колхоз-совхозларда ишловчилар сонини қисқартиришни тақозо қилмоқда. Бирлашма филиаллари ташкил этилаётгани эса қишлоқ хўжалигидан бўшаган кучларни банд қилишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Пилла пиширувчи Санталат Нажмиддинова, Ҳосият Ҳабибуллаева, тўқувчилардан Ҳабибулло Мансуров, Муҳаррам Аҳмедова, Турсуной Тожибоева, Муҳаббат Мадаминова ва бошқалар кейинги вақтда юқори малакали ишчилар сафига қўшилдилар. Улар бугунги кунда белгиланган топшириқларни ошириб адо этишяпти.

Бирлашманинг келажаги порлоқ. Қўшимча фабрикалар, филиаллар фойдаланишга топширилгач, маҳсулот ҳажми икки қисса кўпаяди. Қишлоқ аҳолисининг иш билан таъминланиши шу йўл билан ҳам яхшиланиб боради.

Ф. ИЎЛЧИЕВ,
«Совет Ўзбекистони» жамоатчи мухбири.



ЗАМОНДОШИМИЗ

Фаол комсомол аъзоси, моҳир механизатор Қосимбой Қубаддинов Қорақалпоғистон Автоном Республикасининг Элликқалъа районидаги «Қирққизобод» колхозида ўн икки йилдан бери механизаторлик қилиб келмоқда.

Абжир йигит техника билан боғлиқ барча ишларни қиёмига етказиб бажаришга одатланган. Ерларни шудгорлашдан тортиб, «оқ олтин»ни пўлат агрегатлар билан териб олишгача бўлган барча юмушлар Қосимбой сингари механизаторлар зиммасига юкланган. Шу боисдан ҳам у ҳар ишда жонкуярлик, фидокорлик кўрсатиб ишлашга одатланган. Ўтган йили ўз машинаси билан 302 тонна пахта териб берди.

У ёшларнинг меҳрибон мураббийси ҳам. Ёш механизаторларга техника сирларини ўргатиш, уларда бу ишга иштиёқ уйғотиш борасида талайгина ишларни бажарди. Унинг шогирдларидан Турдивой Сандов ва Тоҳир Қобуловлар ҳозирги кунда ўз устозлари билан ёнма-ён меҳнат қилишяпти. Хўжалик механизаторлари янги мавсумни ҳам ҳар томонлама шай ҳолда кутиб олишяпти.

Суратда: Қ. Қубаддинов.

Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ сурати.

Хатларда қишлоқ муаммолари

● ТАЛАБ

СУВСИЗЛИК ОҚИБАТИ

✦ «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» боғдорчилик ва узумчилик совхози 1974 йилда ташкил этилган. Бироқ шунча йилдан бери хўжалик фақат икки йилгина давлатга маҳсулот топшириш планини бажарди, холос. Қолоқликнинг асосий сабаби сувсизликдир.

Рақамларга мурожаат қилайлик: 1974—80 йилларда сув таъминоти 23 фоизни, 1980—89 йилларда эса 30 фоизни ташкил қилди. Бунга тоғолди зонаси бўлган совхоз ерларининг ноқулай об-ҳавоси ва шароити қўшиладиган бўлса, хўжалик меҳнаткашлари учун давлат план ва топшириқларини бажариш қанчалик мушкул эканлигини билиш қийин эмас.

Совхознинг 450 гектар мевали боғи, 347 гектар токзори бор. Бундан ташқари сабзавот экиладиган майдонлар ҳам, аҳолининг томорқа ерлари ҳам мавжуд. Агар хўжалик ерларига сув чиқариш муаммоси ҳал этилганда ҳосилдорлик бир неча баравар ошган бўларди. Афсуски, ушбу муаммо ҳанузгача ҳеч кимнинг эътиборини ўзига жалб эта олмаяпти.

А. АСРОРОВ,
Чортоқ район, Ҳазратшоҳ қишлоғи.

ВАЪДАБОЗЛИК ҚАЧОНГАЧА?

✦ Қишлоқ кўчаларидан ёғин-сочин пайтлари машина тугул одам ҳам базўр юради. Электр энергиясининг узлуксиз таъминотига ҳеч ким кафолат беролмайди.

Қишлоқда маданий-маиший ва социал объектлар деярли йўқ дейиш мумкин. Айниқса, мактабнинг аҳволига ачинмай бўлмайди. Синфхоналарнинг деворлари ёрилиб, сувоқлари кўчиб ётибди. Болалар икки-уч сменада ўқишга мажбур. 1989 йил июль ойида қурувчилар мактаб учун бассейн қуриб беришган эди. Афсуски, у чалакам-чатти қурилганлиги туфайли фойдаланишга яроқсиз.

Қишлоғимиз ташвишлари билан колхоз правлениеси, қишлоқ Совети, район ва область идораларига бир неча бор мурожаат қилдик. Афсуски, ҳамма жойда қуруқ ваъда беришади холос. Ваъдабозлик қачон тугар экан?

Я. ҲУСАНОВ,
Шаҳрисабз район, «Правда» колхози.

● МУЛОҲАЗА

ҲИСОБИНИ БИЛМАГАН...

✦ Қайси бир соҳани қараманг миллион-миллион сўм давлат маблағларининг исроф бўлаётганлигини кўрасиз. Бу исрофгарчилик учун ҳеч ким жавоб бермайди.

Бундай ҳолларни хўжалигимиз фаолиятида ҳам кўриш мумкин. Техника ва ёнилғидан фойдаланишни олиб кўрайлик. Ҳозир ёнилғи ва эҳтиёт қисмларнинг 40 фоизи исроф бўлмоқда. Айни бизнинг областимизда туни билан ишлайдиган автобаза бўлмаса керак. Бўлса ҳам ниҳоятда кам. Лекин кечаси қай вақт қараманг кўчада «ЗИЛ», «КРАЗ», «КамАЗ» каби юк машиналари изғиб юрганини кўрасиз. Колхоз-совхозлардаги юзлаб тракторлар ҳам кундузи ишлатилгач, кечаси механизаторларнинг эрмагига айланади.

«Облсельхозтехника» эшигига борсангиз ҳамиша 20 га яқин юк машинаси турганини кўрасиз. Булар ҳар бир хўжалик вакилларининг транспортларидир. Шунисига қизиқки, ана шундай катта машиналарда келган вакиллар бор йўғи 5—6 килограммли эҳтиёт қисмларни олиб қайтишади. Ахир, шу ишни бирлашманинг ўзи битта машина билан бажариши ҳам мумкин-ку?! Хуллас, хўжасизлик бизнинг экономикамизга жиддий зарар етказмоқда. Ҳар ким, ҳар бир раҳбар ана шу ҳақда масъулият билан ўйлаб кўриши керак.

С. ҲОЛИҚОВ,
Олтинсой районидаги Карл Маркс номли колхози.

● ТАКЛИФ

ДЕҲҚОН САККИЗ СОАТ ИШЛАСА

● Завод-фабрикаларда муассаса ва ташкилотларда одамлар 8 соатдан ишлаганда, нега деҳқонлар кечаси-ю, кундузи меҳнат қилишлари керак? Агар қишлоқ хўжалигидаги меҳнат нормативларини яхшилаб кўриб чиқилса, қишлоқ меҳнаткашлари учун ҳам қисқартирилган иш куни жорий этиш имконияти туғиларди, деб ўйлайман.

Колхоз ва совхозларда икки сменали иш куни жорий этиш ҳам мумкин. Шундай қилинганда қишлоқлардаги ишсизлар сони ҳам камайган бўларди. Албатта, бунинг учун аввало қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархини кўтариш ҳамда табиийки колхозчилар ва совхоз ишчиларининг иш ҳақларини ошириш керак.

С. АКРАМОВ,
Янгиер районидаги «Москва» совхози.

СССР Давлат хавфсизлиги комитетида

СССР Давлат хавфсизлиги комитетининг коллегияси 30-40-йилларда ва 50-йилларнинг бошларида асоссиз репрессия қилинган гражданларни оқлаш билан боғлиқ ишларнинг аҳволи тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. Шу нарса таъкидландики, репрессия қурбонларига нисбатан тарихий ва социал адолатни тиклашда иштирок этиш давлат хавфсизлиги органлари фаолиятида муҳим йўналишдир ҳамда буни барча ходимлар ўзларининг жамият олдидаги юксак маънавий ва гражданлик бурчи, деб билмоқдалар. Ўзбошимчалик ташкилотчилари ва уларнинг қўл остидагилар билан ҳеч қандай умумийликка эга бўлмаган чекистлар ҳозирги авлодининг бугунги кунда рўй бераётган покланиш жараёнига мустаҳкам дахлдорлиги муҳим тарбиявий аҳамиятга эга бўлиб, бундан буён социалистик қонунчилик, ҳатто оз бўлса-да бузилишига йўл қўймасликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади.

Оқлашга оид ишлар чоғида аниқланган архив ҳужжатларини пухта таҳлил этиш репрессия қўламларини аниқлаш имконини берди. 1930—1953 йилларда суд органлари ва суддан ташқари бошқа ҳар хил органлар 3. 778. 234 кишини контрреволюцион, давлат жиноятларида айблаб, уларга нисбатан ҳукм ва қарорлар чиқарганлар. Ана шу кишилардан 786. 098 киши отиб ташланган. Улар орасида давлат ва партия раҳбарлари, йирик олимлар, ҳарбий бошлиқлар, адабиёт ва санъат арбоблари, хўжалиқ кадрлари, ишчилар ва деҳқонлар ҳамда Ежов ва Берия жаллодларига хос методлар ёт бўлган чекистлар бор.

Коллегия мажлисида мамлакат тарихидаги фожиали воқеаларнинг сабаблари ҳамда Сталин ва унинг атрофидагилар социалистик давлатга раҳбарликнинг демократик принципларидан воз кечганликларининг бевосита оқибати бўлган ўша йиллардаги ғайриқонуний репрессияларнинг таркиб топган усуллари ҳақида гапирилди.

Оқлашга оид ишларга якун ясалди. 1988—1989 йилларда СССР Давлат хавфсизлиги комитети, СССР Прокуратураси билан биргаликда «Ўнг троцкийчилар блоки», «Ҳарбий-фашист фитнаси», «Ленинград иши», троцкий-зиновьевчиларнинг «Бирлашган», «Параллель» ва «Москва» марказлари, «Марксчи-ленинчилар уюшмаси», «Ишчилар оппозицияси» ва бошқа йирик суд жараёнлари юзасидан материаллар тайёрлади. 856. 582 кишининг иши қайта кўриб чиқилди ва улар юзасидан 844. 740 киши оқланди. Қатағон қилинган кишилар ва уларнинг қариндошлари йўллаган 68 мингта хат, шикоят ва бошқа мурожаатномалар кўриб чиқилди.

Сталин ўзбошимчалиги қурбонлари хотирасини абадийлаштириш мақсадида улар дафн этилган жойларни қидириб топиш давом этмоқда. Оқлашнинг бориши тўғрисида оммавий ахборот воситаларида, марказда ва жойларда хабар қилинмоқда.

СССР Давлат хавфсизлиги комитети коллегияси шу билан бирга айбсиз азият чеккан гражданларни оқлаш борасида давлат хавфсизлиги органлари фаолиятида камчиликлар борлигини қайд этди. Давлат хавфсизлиги комитетининг бир қатор органларида суддан ташқари органларнинг қарорларини қайта кўриб чиқишга оид ишлар ҳамон суст ташкил этилган, прокуратура билан зарур даражада баҳамжиҳат ҳаракат йўлга қўйилмаган, аризаларни кўриб чиқишда расмиятчилик ва сусткашлик ҳолларига йўл қўйилмоқда.

СССР Давлат хавфсизлиги комитети коллегияси қабул қилган қарорда кўрсатиб ўтилган камчиликларни тугатиш ҳамда 30-40-ва 50-йиллардаги репрессиялар билан боғлиқ материалларни кўриб чиқишга теран, ҳар томонлама ва холис ёндашилган ҳолда тарихий ҳақиқатни, гражданларнинг поймол этилган ҳуқуқлари ва манфаатларини тиклаш жараёнини имкони борича тезлаштиришга оид конкрет тадбирлар белгиланди. Бу вазифанинг бажарилиши жамиятда ижтимоий-сиёсий, маънавий муҳитни соғломлаштиришга ва совет кишиларининг ҳуқуқий кафолатларини мустаҳкамлашга кўмаклашади.

СССР Давлат хавфсизлиги комитети коллегиясининг мажлиси ва у қабул қилган қарор тўғрисидаги батафсил ахборот «Ҳукумат хабарномаси»да эълон қилинади.

• Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 507 йиллигига

«БОБУРНОМА» РАСМЛАРИ МУРАҚҚАЪСИ

«Бобурнома» воқоат жанрида яратилган асарлар орасида алоҳида ўрин эгаллайди. Бу беқиёс асар композицияси, мазмуни, маълумотларга бойлиги билан тарих, филология, жўғрофия, этнография, хайвонот ва наботот илмини ўрганувчилар учун дастуруламал бўлиб келмоқда. Қисқа умри юришлар, жанглар, фитналарни бартараф этишга сарф этилган Бобур Марказий Осиё халқлари қомуси даражасига кўтарила олган асарини қачон яратиб улгурди экан, киши ҳайратга тушади. Асарни адиб имкони бўлганда котибга айтиб ёздирган. 1986 йилда Ҳиндистондаги Салоржанг музейидан топиб келтирганим мўъжаз расм бу фикрнинг исботидир. Расмда Бобур довон орқасида хаттот билан ишламоқда. (Расм биринчи маротаба чоп этилмоқда). Афсуски, муаллифнинг бесаранжом ҳаёти натижасида асарнинг бир қисми йўқолган.

«Бобурнома» қомусий асар бўлгани учун ҳам унга қизиқиш жуда каттА бўлди. Шарқ ва Европа тилларига бир неча бор таржима этилди. Дастлаб Ҳиндистонда Бобурнинг набираси Жалолиддин Акбар (1556—1609) даврида туркийдан форсийга уч маротаба ўгирилган эди. Ана шу таржималардан саркарда ва шоир Байрамхоннинг ўғли Абдураҳимхон амалга оширгани энг сифатлиси ва асл туркий нусхасига яқини ҳисобланади. Асарнинг асл туркий нусҳаси сақланиб қолмаган. Бизга маълумларининг энг мўътабари XVII асрда китобат этилган бўлиб, Ҳайдароддаги Салоржанг музейида. Бунга яқин бўлган туркий тилдаги иккинчи нусха Калкуттадаги Осиё жамиятида сақланаётир.

Акбар даврида «Бобурнома»нинг бир қанча нусхалари кўчирилиб, Ўрта Осиё, Хуросон ва Ҳиндистон рассомлари томонидан ажойиб, ҳаётий мўъжиза расмлар билан безатилган эди. Уларнинг бир нусхаси Британия музейида сақланмоқда. Таниқли олим Ҳамид Сулаймон 1968 йилда Англиядан «Бобурнома»га ишланган 94 мўъжаз расмнинг рангли тасвирларини келтириб, 1970 йил «Бобурнома» расмлари» мураққаъсини чоп эттирган эди. Шарқ санъати мухлислари ва умуман китобхонлар томонидан алъбом катта қизиқиш билан қутиб олиндики, ўн йил мобайнида 8 марта қайта чоп этилди.

1989 йилда Москвада бўлиб ўтган китоб кўргазмасида Ҳиндистондан келган вакиллар «Фан» нашриётига «Бобурнома»га ишланган расмлардан ташкил топган мураққаънинг 20 минг нусхасига буюртма бердилар. Бу мураққаъ нашрини тайёрлаш менга топширилди. Ҳозирги кунда худди ана шу иш амалга оширилмоқда.

Ҳамид Сулаймон 1926 йили Ҳиндистондан икки «Бобурнома»нинг икки нашрига ишланган расмларни олиб келди. Уларнинг бири Янги Деҳлидаги Давлат музейида сақланмоқда. 1589 йили китобат этилган. Иккинчиси Алвар шаҳридаги давлат музейи фондида. Алвар қўлёзмасини котиб Мир Али кўчирган, бениҳоя гўзал настаълиқ.

«Бобурнома» расмлари альбоми ҳар иккала ҳинд қўлёзмалари суратлари билан бойитилган ҳолда нашрга тайёрланмоқда. Унга қайтадан сўзбоши ёзилган, расмларни изоҳловчи ёзувлар ва ҳар бир сурат асарнинг қайси эпизодига ишлангани аниқланиб, ундан парча берилган. Мураққаъни «Фан» нашриёти Москвадаги ташқи китоб савдоси орқали ГДРда, Лейпциг босмахоналарининг бирида чоп эттиради. Ушбу китоб 25 минг нусхада босилиб, Иттифоқимизда фақатгина 5 минг нусхаси қолади, холос.

Ҳиндистонда Бобур шахси, тарихи, ижодига қизиқиш ғоят кучли. Тўғри, Ватандошимиз ва унинг авлодлари ҳақида инглиз тилида бир қанча асарлар мавжуд. Аммо улар биз, Ватандошларининг Бобурга бўлган муносабатимиз билан ҳам жуда қизиқадилар. Мен Ҳиндистонда бўлганимда Деҳли, Патна, Калкутта, Бомбай, Ҳайдаробод каби шаҳарлардаги ҳамкасбларимиз билан кўп учрашувлар, суҳбатлар бўлди. Ҳиндистонликлар Бобур ва унинг ворисларини бениҳоя ҳурмат қилишади.

Масалан, Ҳайдарободаги Сандия кутубхонасининг раҳбари профессор Юсуфиддин «Сизнинг буюк бобонгиз жаннатмакон. Бизга таомлар пишириш, либослар кийиш, умуман маданий ҳаёт кечиришни ўргатди. Фарғонадан деҳқонлар, боғбонлар келтириб, боғ-роғлар яратди, полиз экинлари билан бизни таништирди» дейди. Ҳақиқатан ҳам ҳиндистонликларнинг ўзаро низолар, феодал урушларини бартараф этувчи марказлашган давлат тузишга асос солган Бобурга ҳурматлари катта. Ҳатто «тил теккизгулик бўлмасин», деб отини айтиш ўрнига «Жаннатмакон» деганларини кўп одамлардан эшитдим.

Фозила СУЛАЙМОНОВА.

СПОРТ

БОКС:
ХАЛҚАРО МУСОБАҚАДА

Индонезияда ўтказилган халқаро мусобақада бухоролик Н. Отаев 67 килограммгача бўлган боксчилар сафида муваффақият қозонди. Мусобақада мамлакатимиздан беш нафар қўлқоп устаси қатнашган эди. Италия пойтахтида эса профессионаллар рингида икки боксчимиз баҳслашди. Ленинградлик А. Руденко (86 кг) ғалаба қозонди. Тошкентлик Ҳаким Матчонов 79 килограммгача вазнли спортчилар қатори куч синашди. Франциялик Сержа Кабонго билан баҳсда унинг қўли баланд келиб турган эди, Рақибини икки марта нокдаунли зарбага учратди. Лекин кутилмаганда чаккасидан лат еб, ўйиндан чиқишга мажбур бўлди.

ЧАНҒИ УЧИШ:
ҚИТЪА БИРИНЧИЛИГИДА

Австрияда фристайл-чанғида акробатика ўйинлари кўрсатиш бўйича ўтказилган Европа чемпионатида республикамиз вакили маҳорат кўрсатди. Хизмат кўрсатган тренер Дмитрий Ковуновнинг шогирди тошкентлик Лина Черязова бронза медалини қўлга киритди. Бу билан у халқаро классдаги спорт мастери унвонини олиш ҳуқуқига эга бўлди.

КУРАШ:
МУНОСИБ ҲИССА

Омск шаҳрида дзюдо кураши бўйича ўтказилган Бутуниттифоқ мусобақасида Тошкент автомобиль йўллари институтининг талабалари фахрли учинчи ўринни эгаллашди. Бу муваффақиятга Ғ. Югаев ўзининг олтин медали билан улуш қўшган бўлса, И. Собитов, С. Билолов кумуш, А. Мўминов, Р. Тошбоевлар бронза медаллари билан команда мавқеини мустаҳкамлашди.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!
Шу йил март ойидан бошлаб
ЯНГИ
« ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЧИСИ»
ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ
ЧИҚА БОШЛАЙДИ

Республикамиз автотранспорт системасида содир бўлаётган қайта қуриш жараёнлари, мазкур соҳанинг етакчи корхоналари илғор тажрибаси, меҳнатни ташкил этишнинг самарали усуллари газета саҳифаларида ўз аксини топади.

Янги нашр фақат автотранспорт соҳаси мутахассислари ва ходимлари, автоҳаваскорларгагина эмас, балки кенг ўқувчилар доирасига мўлжалланган.

Бизнинг индекс — 75565, 1990 йилга обуна баҳоси — 1 сўм 29 тийин.

Янги ҳафталик газетага «Союзпечат»нинг барча бўлимларида ёзилиш мумкин.

ҲУРМАТЛИ ЎРТОҚЛАР!

Ўзбекистон ССР аҳолисига авиация хизмати кўрсатишда ягона масъулиятни таъминлаш мақсадида

РЕСПУБЛИКАДА ЖОЙЛАШГАН БАРЧА АВИАЦИЯ КАССАЛАРИ
1990 ЙИЛ ФЕВРАЛЬ ОЙИДАН БОШЛАБ ЎЗБЕКИСТОН ГРАЖДАН АВИАЦИЯСИ КОРХОНАСИ ИХТИЁРИГА ЎТКАЗИЛАДИ

Пассажирларга хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича ўз истак ва таклифларингизни, конкрет кассалар иши ҳақидаги ўз мулоҳазаларингизни жойлардаги шаҳар агентликлари раҳбарлари адресига, Тошкент шаҳрида — Ҳаво алоқалари Марказий агентлиги адресига (700070, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 9-уй) юборишингизни сўраймиз.

«УЗТРАНСУСЛУГИ» республика ишлаб чиқариш бирлашмасига даволарингиз бўлган тақдирда уни мавжуд масала ва муаммоларни ҳал этиш учун бир ой мобайнида баён қилишларингизни сўраймиз.

Мазкур ўзгариш муносабати билан

Тошкент шаҳрида «Сервис» агентлиги қошидаги самолёт билетларини уйга элтиб бериш учун 41-89-10 телефон орқали буюртмалар қабул қилиш хизмати

ТУГАТИЛДИ

Хизматнинг бу тури Ҳаво алоқаси Марказий агентлиги томонидан 066 телефон орқали маҳаллий вақт билан ҳар куни соат 9 дан 14.00 гача ва соат 15 дан 20.00 гача амалга оширилади.

Бундай буюртмаларни расмийлаштириш вақтида Уруш қатнашчилари ва инвалидларига имтиёз берилади.

Юқорида кўрсатилган телефон орқали сизларни самолётларнинг қатнаш жадвали, самолётларда юк ташиш бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш қоидалари, бериладиган имтиёз шартлари ҳақида ўзингизни қизиқтирган ахборотларни олишингиз мумкин. Бўш ўринлар сони ҳақидаги ахборотларни Сиз фақат кассадан ёки Марказий касса залига (Ш. Руставели кўчаси, 9-уй) ўрнатилган махсус справкалар бюроси ва қуйидаги адресда жойлашган Марказий агентлик филиалидан олишингиз мумкин: Пушкин кўчаси, 88-уй, аэропорт марказий ҳаво линиялари касса зали.

Биноларни ижарага олиш учун шартномаларни қайта расмийлаштириш билан боғлиқ равишда кассалар ишида рўй бериши мумкин бўлган қисқа муддатли қийинчиликлар, ўйлаймизки, Сизлар томонингиздан тушуниб етилади ва Аэрофлотга нисбатан ғайри-табиий муносабатлар уйғотмайди.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЎЙЛАШ РЕСПУБЛИКА МАРКАЗИ РСФСР КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА ДОИМИЙ ЯШАШ УЧУН ОИЛАЛАРНИ

ТАШКИЛИЙ РАВИШДА КЎЧИРАДИ

КЎЧИШНИ ХОҲЛАГАН ГРАЖДАНЛАРНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ ҚУЙИДАГИ МУДДАТДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

— РЯЗАНЬ ОБЛАСТИГА — 1990 йил 7 мартгача;
— ВОЛГОГРАД ОБЛАСТИГА — 1990 йил 7 мартгача;
— ИВАНОВО ОБЛАСТИГА — 1990 йил 16 мартгача;
— КИРОВ ОБЛАСТИГА — 1990 йил 23 мартгача;
— КАЛИНИН ОБЛАСТИГА — 1990 йил 13 апрелгача;
— РЯЗАНЬ ОБЛАСТИГА — 1990 йил 18 майгача;
— КОСТРОМА ОБЛАСТИГА — 24 майгача;
— НОВГОРОД ОБЛАСТИГА — 1990 йил 7 сентябргача;
— КАЛИНИН ОБЛАСТИГА — 7 сентябргача.
— РЯЗАНЬ ОБЛАСТИГА — 1990 йил 7 сентябргача.

Кўчиш учун расмийлаштирилган оилаларга бориладиган жойга текинга етиб олиш ва ўзлари билан 2 тоннагача юкни бепул олиб кетиш ҳуқуқи берилади, бир йўла ёрдам пули тўланади, турар жой ёки квартира, ҳовлисида керакли биноларбўлган томорқа берилади.

Янги кўчиб келганлар икки йил мобайнида квартира ҳақидан озод этиладилар.

РАСМИЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ЭТИЛСИН:

ШАҲАРЛАРДА — шаҳар, область ишга жойлаштириш марказлари ва аҳолини ишга жойлаштириш бюроларига;

НУКУС ШАҲРИДА — ҚҚАССР республика марказига;

РАЙОНЛАРДА — ишга жойлаштириш бюроларига;

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА — Космонавтлар проспекти, 6-уй ва Привокзальная кўчаси, 30-уй ҳамда аҳолини ишга жойлаштириш район пунктларига.

Яхшиликка шошинг, одамлар

ОҚИБАТ

Бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиш инсоннинг энг яхши фазилатларидан бири. Шу бокс кимгадир баҳо бериш зарурати туғилганда бирига «оқибатли», «оқибати яхши одам» сифатларини қўллаймиз. Аксинча, бу хислатдан маҳрум бўлган кимсага: «Э, уни қўявер, оқибати йўқ», дея қўл силтаймиз. Оқибатга «меҳрнинг меваси» деб таъриф бергинг келади. Сабаби, меҳрнинг, меҳрибонликнинг оқибати бўлмаса, у қуруқ гапдан иборат бўлиб қолади.

Оқибатлилик ота-боболаримиз авайлаб-асраб, авлодларга мерос қилиб қолдирган энг яхши анъаналаримиздан ҳисобланади. Эсимда, ёшлигимизда ота-оналаримиз маълум бир кунни — жума кунини қариндош-уруғларни, беморларни кўриб келишга ажратишар, ўзлари билан бирга биз болаларни ҳам олиб боришарди. Меҳмон бўлиб борилган хонадонда гап «бу — тоғанг, бу — амманг, бу — амакиваччанг» қабилидаги таништирувдан бошланар, уларнинг фарзандлари билан қўл бериб сўраштиришар, исм-шарифларидан бир-биримизни хабардор қилишарди. Шу йўсинда ёшлигимиздан қавм-қариндош, яқин кишилар билан боғланиш, дўстлар орттириш бошланар эди.

Афсуски, ҳозирги ёшларимиз аксари ҳолларда уруғ-аймоқларини тўй-маъракаларидагина кўриб билишади. Баъзан зарурат туғилгандагина борди-келди қилишади.

«Иш кўп, қўл тегмаяпти» баҳонаси билан қариндош-уруғ, ҳатто ота-онасини бир неча ойлаб ҳолидан хабар олмайдиганлар орамизда йўқ, дейсизми? Энг яқин кишиси ёки дўсти касалхонада ётганини «эшитмай» тузалиб чиқандан кейингина кўча-куйда ҳол сўровчи «меҳрибонлар» кўпайиб бораётганидан ташвишдамиз. Халқимизда: «ошна-оғайнигарчилик бошинг ёстиққа текканда билинади», деб бежиз айтилмаган.

Меҳр-оқибат яшаш жойининг узоқ-яқинлиги, ишнинг кўп-озлигига қарамайди.

Районимиздаги Ҳамид Олимжон номли мактабнинг биология ўқитувчиси Султонали Мадраҳимов ҳар куни эрталаб икки километр йўл наввар бўлган Султонали ҳам яхши кайфият билан ишга отланади. Биз, зиёлилар даврасида меҳр-оқибат ҳақида гап кетганда, аввало, меҳрибон дўстимиз, марҳум Асқарали Ҳайдаровнинг номини ҳурмат билан тилга оламиз. У олижаноб инсон эди. Тўймаъракаларимизга бош-қош бўлар, дўстларни, таниш-билишларни тез-тез йўқлаб турарди. Айниқса, бошига мушкул иш, мусибат тушганларнинг ҳожатини чиқаришда баҳоси йўқ эди унинг.

Қашқар қишлоқ Советининг Янгиқишлоғида яшовчи 97 ёшли Ортиқбой ота Каримов босиб волидаси ҳузурига боради. «Ассалому алайкум, аяжон. Яхши ётиб турдингизми?» дея ундан ҳол-аҳвол сўрайди. Шу бир оғиз сўз мунис онанинг қалбига оламолам қувонч, кўзига нур, жисмига қувват бағишлайди. Она олқишидан кўнгли мукексайиб қолишига қарамай қариндош-уруғ, таниш-билишлариникидан қадамини узмайди. Қишлоқда хоҳ ёш, хоҳ қарининг боши ёстиққа тегдими, эртасига уни кўргани боради. Беморга яхши гаплари билан далда бериб, шифо бағишлайди. Ўғил, қиз, набиралари ҳол сўраб келишганда Ортиқбой ота ҳар гал гапни қадр-қимматдан бошлайди:

— Инсонни қадрлаш меҳр-оқибатдан бошланади, — дейди отахон. — Бунинг учун бир-бирларингникига бордикелдини канда қилманглар. Биродарларингни йўқлаб борганларингда, албатта, фарзандларингни ҳам олиб борингглар. Ана шунда уларнинг қалбига меҳр уруғи ташланиб, улғайганда одамларга қадрдон бўлади.

Қани энди ҳаммамиз катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган кексаларнинг панд-насиҳатларига қулоқ тутиб, ота-боболаримиздан қолган яхши анъаналаримизни давом эттирсак, айни пайтда йўқолиб бораётган оқибатларимизни тиклаб, бу эзгу урф-одатимиз халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашда ҳам қўл келади, ҳам инсонийлик шон-шарафимизни улуғлайди.

О. ЎСАРОВ.
Фарғона область, Киров райони.

• Ўзбекистон ва жаҳон

ДАЛВАРЗИНТЕПА–ТОШКЕНТ–ТОКИО

Ўтган йилнинг кузида Японияннинг пойтахти Токио ёнидаги Сока шаҳри университетининг археолог олимлари Ўзбекистонга келиб Сурхондарёнинг Шўрчи районидаги Далварзинтепа қишлоғида қазилма ишларини олиб бордилар. Ўзбек ва япон олимларининг халқаро ҳамкорлиги бундан икки йил олдин бошланган эди. Қуёшчиқар мамлакатнинг Нара шаҳрида намойиш этилган «Буюк ипак йўли Нарага боради» халқаро кўргазмасида Ўзбекистондан юборилган археологик экспонатлар ҳам намойиш қилинган эди. Айниқса, Далварзинтепадан топилган будда ҳайкалчалари япон олимларини қизиқтириб қолди. Улар кўргазмага борган ўзбек олими, Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди Баҳодир Турғунов билан ҳамкорлик қилиш ҳақида музокаралар олиб бордилар. Шундан кейин амалий ҳамкорлик бошланди. Япон олимлари биринчи сафар чоғида Сако университети профессори Като Кюдзо бошчилигида қирқ кун мобайнида илмий кузатиш ва қазилма ишларини олиб бордилар. Япон олимлари ўзбек ҳамкасблари билан ҳамжиҳатликда бундан 1700-1800 йиллар муқаддам даврга тааллуқли сопол идишлар, мис тангалар, ҳайкалчалар қазиб олишга муваффақ бўлдилар. Япон олимлари бу илмий сафар учун ўта такомиллашган замонавий асбоблар, ўлчаш ускуналари, фотоаппаратлар олиб келишган эди.

Экспедиция ватанига қайтиб боргач, Япония олими янги таклиф ва истаклар билан Тошкентга қўнғироқ қилди. У Сако университетида Далварзинтепа археологик қазилмалари ҳақида махсус кўргазма ташкил этиш ҳақида таклиф қилди. Шунга биноан Тошкент институти у ерга 25 хил археологик экспонат юборадиган бўлди. Улар асосан Далварзинтепада будда саройидан топилган билакузуклар, сирғалар, фил суягидан ишланган шахмат доналаридан иборат.

Ўзбек ва япон олимлари ҳамкорлиги ҳақида ўзбек олими Баҳодир Турғунов бундай деди:

— Япон олимлари илмий кузатиш ишларини олиб боришдан ташқари республикамиз аҳолисининг бугунги турмуши билан яқиндан танишдилар. Улар «Октябрь 30 йиллиги», «Ленинобод» колхозлари аҳолиси меҳнати, турмуши, урф-одатларини қизиқиб кўрдилар, тўй маросимларида қатнашдилар.

Икки мамлакат ўртасидаги илмий ҳамкорлик натижасида япон ва рус тилларида 1,5 минг нусхада каталог нашр этилади, илмий анжуман ўтказилади.

Япон ҳамкасбларимиз экспедиция натижалари ҳақида «Сейкио пресс» журнали саҳифаларида батафсил ёритишган. Қуйидаги суратлар ана шу журнал саҳифаларидан кўчириб олинди.

А. ПУЛАТОВ.

ВАТАН БИЛАН АЛОҚАЛАРНИ ТИКЛАБ

12 февраль куни чет эллардаги ватандошлар билан маданий алоқалар Ўзбекистон «Ватан» жамиятида учрашув бўлди. Унда Саудия Арабистонида яшаётган Абдулқодир Акбар ва Файзулла Марғилоний Ватанда бўлиш имконияти берилганлиги учун чуқур миннатдорчилик билдирдилар. Улар ўз вақтида тақдир тақозоси туфайли ота-оналари билан бирга чет элга кетиб қолишган эди. Ҳозир уларнинг иккови ҳам тижорат билан шуғулланади.

Меҳмонлар туғилиб ўсган ерларида — Андижон ва Марғилонда, шунингдек, Наманган, Фарғона, Самарқандда бўлишди, ишчилар, колхозчилар, ёшлар, руҳонийларнинг вакиллари билан учрашдилар. Бир қанча саноат корхоналарига бордилар, бу корхоналарда амалий алоқаларни йўлга қўйиш имкониятларини муҳокама қилдилар.

Саудия Арабистонида 600 мингдан кўпроқ ўзбек яшайди. Меҳмонлар «Ватан» жамияти орқали ўз юртлари билан алоқани тиклаш истагини билдирдилар, қариндош-уруғларини излашда ёрдам беришни илтимос қилдилар. Ушбу жамоат ташкилоти Саудия Арабистони савдо-саноат доираларининг вакиллари билан Ўзбекистон корхоналари ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда ҳам воситачи бўлиши керакligи айтилди.

Суратда: Файзулла Марғилоний (чапдан иккинчи) ва Абдулқодир Акбар (чапдан тўртинчи) Ёзёвондаги қариндош-уруғлари ҳузурида.

Ш. АЛИМОВ сурати (ЎзТАГ).

ВАЗИЯТ МУРАККАБЛИГИЧА ҚОЛМОҚДА

Душанбе, 13 февраль. (ТожикТА—ТАСС). Кеча Тожикистон пойтахтида рўй берган тўқнашувлар натижасида олти киши ўлган ва тахминан 70 га яқин киши ярадор бўлган. Боқудан минглаб қочоқлар шаҳарга келаяпти ва маъмурларнинг кўмагида маҳаллий аҳолига мўлжалланган квартираларни эгаллашмоқда, деган миш-мишлар ғалаёнларга сабаб бўлди.

Шу куни арман оилаларига иш жойлари ва квартиралар берилишига қарши норозилик билдирган рухсат берилмаган митинг қатнашчилари Тожикистон Компартияси Марказий Комитети биноси томон кела бошладилар. Дастлаб улар юздан ортиқ киши эди, аммо майдонда аста-секин бир неча минг одам тўпланди. Митинг қатнашчилари ҳузурида Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Қ. Маҳкамов, республиканинг бошқа раҳбарлари сўзга чиқдилар.

Бироқ улар Душанбега атиги 40 га яқин қочоқ келганлиги ва улар танишлари ёки қариндошларининкида жойлашганлигини, ҳозир эса республикадан ташқарига олиб кетилганлигини маълум қилишларига қарамай, оломон бебошликни давом эттирди. Митингнинг баъзи қатнашчилари партия Марказий Комитети биносига бостириб киришга уринди, дўқ-пўписа қилди ва деразаларга тош отди. Шу пайт ички қўшинлар кучлари бинога бориш йўлини тўсиб қўйдилар.

Ҳавога огоҳлантирувчи пахтавон ўқ узилганлиги ҳам безориларни тўхтатмади. Аксинча, оломон орасида жавоб ўқи узилди, солдатларни тошбўрон қилишди. Майдон атрофида бебошликлар бошланди.

12 февраль куни кечқурун шаҳарда фавқулодда ҳолат эълон қилинди ва комендантлик соати жорий этилди. Лекин маҳаллий маъмурлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг куч-ғайратларига қарамай, вазият мураккаблигича қолмоқда. Марказий Комитет биносига, бошқа муассасаларга бостириб киришга уринишлар давом этмоқда. Жамоат транспорти деярли ишламаяпти.

* * *

12 февраль куни СССР Ички ишлар министрлигида бўлиб ўтган брифингда маълум қилишларича, Душанбедаги оммавий тартибсизликлар чоғида граждан аҳолидан 6 киши ҳалок бўлган, 108 киши жароҳат олган, улардан 39 киши ички ишлар органларининг ходимларидир. Уч киши оғир аҳволда шифохонага ётқизилди.

Тўс-тўполон чиқариш, ўт қўйиш ва калтаклаш, рўй берган оммавий тартибсизликлар юзасидан ўттизта жиноий иш қўзғалди.

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг «БИОЛОГ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ қуйидаги вакант вазифаларга КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

етакчи илмий ходим: «агроном-ўсимликшунос» ихтисоси бўйича (фан номзоди);

катта илмий ходим: маданий ўсимликлар агроэкологияси лабораторияси бўйича хўжалик шартномаси асосида «агроном-агрохимик» ихтисоси бўйича.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 5 кун.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга жўнатилсин: 700125, Тошкент шаҳри, ГСП, Ф. Хўжаев кўчаси, 28-уй.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/II да **Истамбул фожиаси** (19.00), 16/II да **Нажот истаб** (19.00).

Тошкент давлат университети ректорати, партия, касаба уюшмаси ташкилотлари ҳамда ўзбек филологияси факультети коллективи мазкур факультет декани муовини, доцент А. Расуловга онаси **Меҳринисо ҒУЛОМИДДИН қизининг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиоэшиттириш давлат комитети Ўзбекистон телевидениесининг бош режиссёри М. Муҳамедова онаси **Бозоржон АҲМЕДОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Нефть ва газ конлари геологияси ҳамда разведка қилиш институти шу институтнинг катта илмий ходими, меҳнат ветерани **ЮСУП УСМОНОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Р. — 04090. № 39. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12